Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 152 (4550).
7 ИЮЛЬ 1981 й.
СЕШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Жонкуяр коллектив

Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 2-уйсозлик комбинатига қарашли 4-қурилиш бошқармасида А. Пименов бошлиқ комплекслашган бригада коллективининг ҳурмати катта. Қурувчиларнинг жонкуярлиги, ишга масъулият билан қараши туфайли бригада план топшириқларини доим муддатидан олдин бажаришга эришмоқда. Социалистик мусобақада илғорлик қилаётган ушбу бригада ярим йиллик планни муддатидан икки ҳафта илгари бажарди. Айни пайтда қурувчилар 1981 йил планини Улуғ Октябрь социалистик революцияси кунигача бажариш учун курашишмоқда.

Жонкуяр коллектив шаҳримизнинг турли районларида ўнлаб кўркам истиқомат масканларини қуриб, ҳамшаҳарларимизга қувонч бағишлаган. Шу кунларда эса мазкур бригада коллективи пойтахтимизнинг ТТЗ —4 массивида янги 9 қаватли, 88 хонадонга мўлжалланган турар жой биноси қурилишини қизғин олиб бормоқда.

БУГУН

қурувчилар ана шу турар жой биносининг умумий қурилиш ишларини ниҳоясига етказишди. Ғайрат билан меҳнат қилаётган қурувчиларга 25-қурилиш бошқармасининг пардозловчилари ҳамкорлик қилишмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

• *Вагонлар бир минут ҳам бекор турмасин*

ТРАНСПОРТ ИШИНИ ЯХШИ ЙЎЛГА ҚЎЯЙЛИК

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети йўл станцияларида вагонларни бўшатиш ва юкларни ҳамда контейнерларни олиб кетишнинг аҳволи ҳақидаги масаланн қараб чиқди. Тошкент шаҳар темир йўл бўлими (бошлиғи Ҳ. Маҳкамов), шаҳар юк станцияси (А. Азимов), Шумилов станцияси (Н. Қодиров), Сергели станцияси (Н. Ким), Тошкент товар станцияси (Ю. Абдуллаев), Хамза станцияси (Л. Абдуллаев), Келес станцияси (Ю. Файзиев), «Қизил тўқимачи» станцияси (А. Вареник) бошлиқларига станцияларда юк ортиш-туширишни яхшилаш, олинган юклар, вагонлар бериш ва қайтиб олиш бўйича ахборотлар билан ўз вақтида таъминлаш учун аниқ тадбирлар белгилаш таклиф этилди. Бир ойлик муддатида корхона ва ташкилотларнинг поезд йўллари техник ҳолати текшириб чиқилсин, текширув натижалари район Советлари ижроия комитетида қараб чиқилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар белгилансин.

Қабул қилинган қарорда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шуни таъкидладики, республика партия ва ҳукуматининг вагонларни бўшатиш бўйича ишни кучайтириш ҳақидаги кўрсатмаларига биноан район ижроия комитетлари, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлими ва станциялари раҳбарлари маълум тадбирларни белгиладилар. Натижада вагонларни бўшатиш иши анча яхшиланди, кўпгина корхоналарда юкни ортиш ва туширишда вагонларнинг туриб қолиши камайди.

Қилинган ишларга қарамасдан, вагонларни бўшатиш иши ҳали кўнгилдагидек эмас, беш ой мобайнида Тошкент шаҳри станциялари бўйича вагонларнинг бекор туриши нормадаги 3,4 соат ўрнига 5,7 соатни ташкил этди. Бунинг учун 354 минг сўм жарима тўланди.

Айниқса Ленин, Сергели, Куйбишев, Собир Раҳимов ва Ҳамза районлари корхоналари ва ташкилотлари темир йўл вагонларидан юкларни ортиш ва туширишни, уларни жамоат фойдаланиладиган жойлардан олиб кетишни ёмон ташкил этишган.

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси (вагонларнинг бекор туриши нормадаги 2,1 соат ўрнига 29 соат), «Союзхимреактив» идораси (вагонлар бекор туриши нормадаги 2,5 соат ўрнига 28,4 соат), «Тошкентвино» комбинати (вагонлар бекор туриши 2,5 соат ўрнига 10,7 соат), Тошкент чинни заводи (вагонларнинг бекор туриши нормадаги 3,4 соат ўрнига 20,4 соат), 23-қурилиш трестига қарашли (УПТК) ишлаб чиқариш-техника комплектацияси бошқармаси (вагонларнинг бекор туриши нормадаги 2,6 соат ўрнига 16,6 соат), 1-йирик панелли уйсозлик заводи (вагонларнинг бекор туриши 3,6 соат ўрнига 11,6 соат) каби корхоналар вагонларни бўшатишда мунтазам нормадан ортиқча бекор туриб қолишига йўл қўймоқдалар. Бу корхоналарда вагонларни тунда, шанба, якшанба ҳамда байрам кунлари бўшатишга дуруст эътибор берилмайди.

Фақат июннинг биринчи ўн кунлигида 200 дан ортиқ вагон ўз муддатида бўшатилмади. Улардан 15 таси «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, 10 таси тўқимачилик комбинатининг темир йўл транспорти бирлашган хўжалигига, 3 таси «Союзхимреактив» идораси, «Тошкентвино» комбинати ва Тошкент трактор заводига қарашлидир.

Халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари вагонларни ортиш ва туширишга, станциядан юкларни олиб кетишга етарли эътибор беришмаяпти, район штабларининг иши бўш ташкил этилган.

Тошкент шаҳар Марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трести ва станцияларнинг бошлиқлари айниқса шанба, якшанба ва байрам кунлари юкларни ҳамда контейнерларни олиб кетишни қониқарли ташкил этишмаяпти.

Ўзбекистон ССР партия ва ҳукуматининг кўрсатмаларини бажариш, белгиланган муддатда вагонларнинг 100 процент бўшатилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ижроия комитети «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори В. Фетисов ва «Союзхимреактив» идораси директори вазифасини бажарувчи С. Галямовга вагонлар ўз вақтида бўшатилишини таъминлаш иши ўта қониқарсиз эканлигини кўрсатиб ўтди ва уларнинг ишнинг бу участкасига шахсан масъулиятли эканликлари огоҳлантирилди.

«Тошкентвино» комбинати директори Э. Каримов, чинни заводи директори А. Иброхимовнинг эътиборн темир йўл вагонларига юк ортиш ва туширишнинг қониқарсиз эканлигига қаратилди. Бу нарса вагонларнинг узоқ вақт нормадан ортиқча туриб қолишига олиб келаяпти. Мазкур корхона раҳбарлари зиммасига аҳволни тузатиш, ушбу масала бўйича аниқ тадбирлар белгилаш вазифаси юклатилди.

Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трести бошқарувчиси М. Алиева айниқса шанба, якшанба кунлари юклар ва контейнерларни темир йўл станцияларидан ўз вақтида олиб кетилишини таъминлаш таклиф этилди.

Халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари Тошкент тўқимачилик комбинати темир йўл транспорти бирлашган хўжалигида (бошлиғи П. Баталов), 23-қурилиш трестига қарашли УПТКда (А. Цибуля), Тошкент трактор заводида (Э. Мусин), 1-йирик панелли уйсозлик заводида (Л. Тарасевич) вагонларни бўшатиш қониқарсиз ташкил этилганлиги ва улар юк ортиш-туширишда ортиқча туриб қолаётганлиги масаласини қараб чиқишлари ҳамда мазкур корхоналарнинг раҳбарлари билан биргаликда вагонларни бўшатишда уларнинг ортиқча туриб қолишининг олдини олиш бўйича таъсирчан тадбирлар белгилашлари лозим.

Тошкент темир йўл бўлими (бошлиғи Ҳ. Маҳкамов), шаҳар юк станцияси (А. Азимов), Шумилов станцияси (Н. Қодиров), Сергели станцияси (Н. Ким), Тошкент товар станцияси (Ю. Абдуллаев), Хамза станцияси (Л. Абдуллаев), Келес станцияси (Ю. Файзиев), «Қизил тўқимачи» станцияси (А. Вареник) бошлиқларига станцияларда юк ортиш-туширишни яхшилаш, олинган юклар, вагонлар бериш ва қайтиб олиш бўйича ахборотлар билан ўз вақтида таъминлаш учун аниқ тадбирлар белгилаш таклиф этилди. Бир ойлик муддатида корхона ва ташкилотларнинг поезд йўллари техник ҳолати текшириб чиқилсин, текширув натижалари район Советлари ижроия комитетида қараб чиқилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар белгилансин.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. А. Деҳқонхўжаев ва Тошкент темир йўли бошлиғининг ўринбосари Н. Алимжоновга корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирокида шанба, якшанба кунлари вагонлар нега бўшатилмаганлиги ҳолларини таҳлил қилиб чиқиш вазифаси юклатилди. Шаҳар ижроия комитети район ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети Бош бошқармалари, бўлимлари ва трестлари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларидан вагонларга юк ортиш ва туширишни тубдан яхшилаш, темир йўл станцияларидан юк ва контейнерлар (айниқса шанба ва якшанба кунлари, Шумилов станциясидан 20 тоннали контейнерлар) ўз вақтида олиб кетилишини талаб этди.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ИҚТИСОД ВА ТЕЖАМКОРЛИК — АСОСИЙ ШИОРИМИЗ

ҲАР БИР СОВЕТ КИШИСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ВА ТУРМУШДА ИҚТИСОД ҚИЛИШ ВА ТЕЖАМКОР БЎЛИШ УЧУН КУРАШГА АКТИВ ҚЎШИЛИШИ, БУ УМУМХАЛҚ ИШИГА УЗИНИНГ КОНКРЕТ ҲИССАСИНИ ҚЎШИШИ КЕРАК.

(КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Хомашё, ёқилғи-энергетика ва бошқа моддий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш ишларини кучайтириш тўғрисида»ги қароридан).

Суръат тез, сифат яхши

Комбинатимиз бир неча йилдан бери Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб келаяпти. Ўтган йили коллективнинг номи СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасидаги Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди.

Шу кунларда комбинат ишчилари бутун имкониятларини ишга солиб меҳнат қилиб, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили план ва мажбуриятларини муваффақиятли адо этиш учун интиляпти. Корхонада ярим йиллик марра муддатидан аввал эгалланди. Олти ой мобайнида ишлаб чиқарилган 32.070 минг сўмлик маҳсулотнинг 1.700 минг сўмлиги планга қўшимча тайёрланди. Бундан ташқари маҳсулот сифатини яхшилаш, машина ва ускуналарнинг унумли ишлашини таъминлаш, электр қувватини тежашда ҳам дурустгина ютуқлар қўлга киритдик.

Коллективимизда ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун авж олаётган социалистик мусобақада бизнинг омухта цехимиз ишчилари намуна бўлаяпти. Коллективимиз ҳозир йиллик меҳнат графигидан қарийб бир ҳафта илгарилаб меҳнат қилаяпти. Мен ҳам улардан ортда қолмасликка ҳаракат қиляпман. Смена топшириқларини мунтазам 110—115 процент адо этиб, маҳсулотнинг аъло сифатда бўлишини таъминлаяпман.

Х. ҲАМИДОВА,
4-дон маҳсулотлари комбинати омухта ем цехи ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.



Подшипниклар ремонти заводининг ролик цехида меҳнат қилаётган М. Бикерман бошлиқ бригада аъзоларининг номини кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Бу бригада ярим йиллик топшириқни муддатидан илгари адо этиб, буюртмачиларнинг ишончини оқлади. Эндиликда коллектив ўн биринчи беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажариш учун курашмоқда.

СУРАТДА: бригада аъзолари янги режалар устида суҳбатлашмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Қатъий сўз

КПСС XXVI съезди тарихий қарорларига зарбдор меҳнат билан жавоб бераётган корхоналардан бири пойтахтимиздаги 1-таксомотор паркидир. Парк коллективи съезд қарорларини ҳаётга тадбиқ этишда фидокорлик кўрсатмоқда.

Коллективда 150 нафар коммунист бўлиб, уларнинг кўпчилиги меҳнат зарбдоридир.

Т. Бойматов, В. Телняев, Р. Яхшиян, Д. Оставчук сингари ҳайдовчилардан йўловчилар ҳам, парк маъмурияти ҳам мамнун. Бу ҳайдовчилар сентябрь ойигача 1981 йил план топшириқларини бажариш учун курашмоқдалар.

Таксомотор парки ҳар куни 515 та енгил машинани ҳамшаҳарларимиз хизматига чиқармоқда.

ЯНА МЕҲНАТ ҚУЧОҒИГА

Саратоннинг энг жазирама кунларида бу корхонанинг ҳар бир ишчиси одатдагидек меҳнат отпускаси олишга муяссар бўлди. «Ўртоқ» кондитер фабрикасида ҳар йили бутун коллектив июлдан бошлаб августгача дам олади.

Бу пайтда корхонанинг барча цехларида ускуналарни техникавий ремонт қилиш, янги узель ва машиналарни ўрнатиш, бинони ремонтдан чиқариш ишлари олиб борилади. Бу йил ана шу тадбирларни амалга ошириш учун одатдаги 30 кун ўрнига 18 кун белгиланган. Бунинг устига ремонт ишларини сифатли ҳам бажариш керак.

— Биринчи ярим йилликда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди. Планга қўшимча 270 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди, — дейди «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг директори, техника фанлари кандидати М. Каримжонов. — Бу рақамлар корхонанинг меҳнат жараёни бир меъёрда бораётганлигидан далолат беради.

1 августдан бошлаб ишчилар ёруғ ва озода цехларга кириб келадилар, созлаб қўйилган ускуналарни қўлга оладилар. Ўшанда 80 номда карамель, ҳамиртуруш, шоколадли конфет, ирис маҳсулотлари ишлаб чиқаришга киришилади.

КАНАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ

Бутуниттифоқ «Гипроирс» институтининг шаҳримиздаги филиалида Самарқанд областидаги Каттақўрғон каналининг қайта реконструкцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ана шу лойиҳа асосида канал реконструкция қилиб бўлингандан сўнг, қўшимча равишда 2 минг гектар ерлар Зарафшон суви билан суғориладиган бўлади. Ерларни сунъий дренаж системаси билан таъминлаш ҳисобига ер ости сувларининг кўтарилиши олдини олинади. Бу эса ерларнинг шўрланишига йўл қўймайди.

Реконструкция лойиҳасини бош инженер Ю. Дьяконов билан Г. Харина яратишди.

Айни пайтда институт филиали коллективи ўнлаб лойиҳалар устида қизғин иш олиб бормоқда.

ОБ-ҲАВО ВА САЛОМАТЛИК

Ғарбдан кириб келаётган салқин ҳаво оқимининг Тошкент узра шу кеча кундузда ўтиши туфайли атмосфера босими симоб устунида 2—3 миллиметр кўтарилади, нисбий намлик 10—15 процент кўпаяди. Вақти-вақти билан ҳаво булутланиб, қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши кутилади. Ғарбдан секундига 3—4 метр тезлик билан шамол эсади, кечалари 21—23, кундузлари 34—36 даража иссиқ бўлади.

6 июлда соат 10 да ҳаво ҳарорати 29 дараж, нисбий намлик 40 процент, атмосфера босими симоб устунининг 711 миллиметрига тенг бўлди.

Семашко номли Ўзбекистон давлат курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг фикрича бундай майин об-ҳаво кўпгина беморларга ёқимли бўлади. Киши танасини чиниқтириш мақсадида тонг саҳарда мусаффо ҳавода сайр этиш, врачнинг тавсиясига биноан қўллар ва дарёларда чўмилиш мумкин.

ШАҲРИМ — ФАХРИМ

ПРОСПЕКТ УЗАЙТИРИЛАДИ

«Ассакинский»даги пассажир транспорти бекати ёнида кўплаб қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳадемай қад кўтарадиган бу 16 қаватли турар жой биносини москвалик қардошларимиз қуриб беришади. Ҳозир бинонинг пойдевор ишлари бажарилмоқда. Ҳамид Олимжон майдони атрофида қад кўтарадиган бу кўркам бино ўзининг гўзаллиги билан майдон ҳусниға ҳусн қўшади.

Бу ерда ободончилар жуда кўплаб қурилиш-монтаж ишларини бажаришда. Шулардан энг асосийси Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектини узайтиришдир. Юрий Ҳазов ва Иван Ткаченко бошчилик қилаётган экскаваторчилар бригадаси Пушкин кўчасидан Карл Маркс кўчасига борадиган йўл қурилишидаги ишларни бажаришади. Ҳозир эски иморатларни бузиш ишлари бажарилиб, тупроқлар чиқариб ташланмоқда.

«Гордорстроймонтаж» трестининг механизациялашган бошқармаси механизаторларига марказлашган усулда юк ташиш трестининг 127-автобазаси коллективи яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Шоферлар оғир юк ташийдиган машиналарда барча ишларни бажаришмоқда. Ана шу объектда ишлаётган иккала бригада ҳам ҳар кунги план топшириқларини ортиғи билан адо этишмоқда. Бу ўз-ўзидан маълум. Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектида ишлаётган қурувчилар ошириган социалистик мажбуриятларни оширишмоқда.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Республикага келган КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири Е. М. Тяжельников Ўзбекистон партия ташкилотларининг КПСС XXVI съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида идеологик, сиёсий-тарбиявий иш самарадорлиги ва сифатини ошириш соҳасидаги иш тажрибаси билан танишмоқда.

Кеча Е. М. Тяжельников В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози ва Тошкент областининг бошқа хўжаликлари ва корхоналарида бўлди.

● Буюк Британия ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари министри Лорд Каррингтон амалий визит билан 5 июль куни Москвага келди.

Оталиқдаги совхозда

Охунбобоев номидаги республика медицина билим юрти студентлари учинчи меҳнат семестрига катта тайёргарлик билан келдилар. Билим юртининг 300 дан ортиқ сергайрат ёшларидан тузилган қишлоқ хўжалиги отряди шу кунларда «Қибрай» совхозини мевазорларида жавлон урмоқда. Бу ерда улар олма, гилос сингари меваларни териб олишда миришкорларга яқиндан ёрдам беришмоқда.

Шу кунгача студентлар 10 тоннадан ортиқ мева териб, тегишли пунктларга жўнатишди.

— Студентларимиз, — дейди билим юрти директори А. Мирхўжаев, — «Қибрай» совхозини бир неча йилдан бери оталиққа олишган. Улар ҳамиша қишлоқ меҳнаткашларига ёрдам қўлларини чўзиб келишмоқда. Семестр охиригача студентларимиз яна 20 тонна мева териб топшириш учун курашишмоқда.

МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ — 81

БОЛГАРИЯ ЁШЛАРИ БИЛАН ДЎСТЛАШИБ

БУГУН

қардош дўст ва социалистик мамлакат — Болгария Халқ Республикаси Хасково округидаги медицина институти студентларидан Тошкентдаги Низомий номли Давлат педагогика институти ёшларига хабар келди.

Унда маълум қилинишича, дўст мамлакатнинг ёшларидан иборат махсус студентлар қурилиш отряди яқин ҳафталар ичида Тошкентга етиб келажаги ва бу ерда ўзбек биродарлари билан турли қурилиш объектларида меҳнат қилажаги ҳақида маълум қилинади.

Шу муносабат билан институт комсомол комитетининг секретари Моҳира Қосимова мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— Биз бу хабарни жуда катта мамнуният билан кутиб олдик. Дўстларимизнинг яхши меҳнат қилиши, Ўзбекистон билан атрофлича танишуви учун қулай шароитларни яратиб берамиз. Дўстлар ҳимматига жавобан бизнинг ҳам махсус қурилиш отрядимиз Хасковога етиб боради.

Олий ўқув юртининг ёшлари навбатдаги меҳнат семестрига қизғин ҳозирлик кўришяпти. Барча отрядлар тузиб бўлинган. Уларнинг иш режалари аниқланган.

250 кишидан иборат бешта отряд июль ойининг дастлабки кунларида Чита областига етиб боради. У ерда бошланадиган Бутуниттифоқ зарбдор қурилишларида жасорат кўрсатилади. Бу областнинг Харанорск қишлоғида катта аҳамиятли ГРЭС бунёд этилмоқда. Бундан ташқари қатор уй-жой бинолари қурилишлари ҳам ёрдам кучини кутиб турибди. Ўзбек йигит ва қизлари ана шу областда 460 минг сўмлик иш бажаришга аҳд қилишган.

Педагогика институтининг яна бир қурилиш отряди Калинин шаҳрига йўл олади. 2 та отряд эса Тошкент областида паррандачилик фермаларини ташкил этиш ишларида қатнашади. Учта отряд «Голодностепстрой»га қарашли хўжаликларда, қурилишларда, ирригация иншоотларида ишлайди. 150 студентдан иборат отряд эса Тошкент шаҳрида уй-жой биноларини бунёд этишда қатнашади. Институт бир неча муассасалар ва корхоналар билан ҳам олиб борадиган ишлар юзасидан шартномалар тузган. 150 студент Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасида миришкорларнинг оғирини енгил қилишади. Улар боғларда меваларни териш, далаларда сабзавот маҳсулотларини ўғитлаш билан банд бўладилар.

Шунингдек, 500 студент Тошкент тўқимачилик комбинатининг турли фабрикаларига сафарбар этилади. Бўлажак педагоглар меҳнат семестрида ҳаммаси бўлиб 1 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини ва маҳсулот ишлаб чиқаришни бажаришни зиммаларига олишган.

Олий ўқув юртининг яна 1 мингдан зиёд студенти пойтахтимиздаги мактаблар қошида ташкил этилган пионер лагерлари, турар жойларда болалар тарбияси ишлари билан шуғулланади.

телетайп лентасидан

● **ВАШИНГТОН. АҚШ хотин-қизлари миллий ташкилотининг президенти Элинор Смил Р. Рейган маъмуриятининг социал-иқтисодий сиёсатини Америка хотин-қизларига қарши қаратилган сиёсат деб атади. У бу ерда миллий матбуот клубида сўзлаган нутқида мамлакатнинг ҳозирги ҳукумати «Америка хотин-қизларининг турли соҳаларда тенг ҳуқуқли бўлишига тўсқинлик қилмоқда» деди.**

● БУЭНОС-АЙРЕС. Қўшма Штатлар Лотин Америкасидаги бир қанча мамлакатларни «кўп миллатли қуролли кучлар»ни вужудга келтиришда қатнашишга мажбур этиш мақсадида уларга тазйиқ кўрсатмоқда.

● **ИСЛОМОБОД. Покистон министрлар набинети мамлакатнинг 1 июлда бошланган 1981—1982 молия йили федерал бюджетини тасдиқлади. Янги бюджетга хос хусусият шундан иборатки, унда ҳарбий эҳтиёжларга ажратиб бериладиган маблағни кўпайтириш кўзда тутилган. Ҳарбий ҳаражатлар ўтган молия йилига нисбатан 16 процент ортди ва ҳозирги пайтда 17,7 миллиард рупияни ташкил этади. Покистонда иқтисодий кризис чуқурлашиб бораётган, пул қадрсизланиши, ишсизлик ва қимматчилик авж олган бир шароитда ҳарбий ҳаражатларнинг кўпайтирилиши мамлакатнинг меҳнаткаш халқини оғир машаққатларга дучор қилади.**

● МАПУТУ. Порт-Элизабет-Бегтельсдорф шаҳридаги африкалик аҳоли кўчаларга Жанубий Африка миллий озодлик ҳаракатининг атоқли арбоблари Н. Мандела ва С. Бико номини қўйишга қарор берган эди. Ударнинг бу қарори Претория ҳокимияти газаблантирди. Нельсон Мандела 17 йилдан буён ирқчиларнинг Роббен оролидаги зиндонида азоб чекиб ётмоқда. Ирқчилар охранкаси 1974 йилда Стив Бикони азоблаб ўлдирган эди.

Кап вилоятининг маъмури шаҳар кенгашидан «маъқул бўлмаган» номларни дарҳол бекор қилишни талаб этди.

● **ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Бихар штатида учдан икки қисми қабилалар яшайдиган районларда очилиши лозим бўлган 150 та янги мактаб қурила бошланди. Давлат бу мақсадлар учун шу 1981—82 молия йилида 75 миллион рупия ажратади.**

Ҳиндистонда жамиятнинг энг камбағал қатламларига мансуб бўлган тонфа ва қабилаларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган социал-иқтисодий тадбирлар кенг программаси амалга оширилмоқда. Ҳиндистонни ривожлантиришнинг олтинчи беш йиллик (1980—1985) плани даврида ҳукумат бу тадбирларни бажариш учун 50 миллиард рупия ажратди.

(ТАСС).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Партия турмуши

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташстекстильмаш» заводи маркаси қўйилган тўқимачилик машиналари Иттифоқимиздаги 342 та фабрика ва комбинатда ҳамда жаҳондаги 28 мамлакатда ишлатилмоқда. Ўнинчи бешйилликни муваффақиятли якунлаган корхона коллективи партиямизнинг XXVI съезди белгилаб берган улкан вазифаларни бажариш учун муваффақиятли кураш олиб бормоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки беш ойи топшириғи бу ерда муваффақиятли бажарилди.

Бу муваффақиятларга эришишда 726 коммунистни бирлаштирган завод партия ташкилотининг ташкилотчилик ва идеологик иши муҳим роль ўйнамоқда. Бунда юқори партия органлари қабул қилган ва ўз қарорларининг бажарилишини контроль қилиш алоҳида ўрин тутади. **«Партиявий раҳбарликнинг моҳияти — кишиларни танлаш ва ижрони текширишдан иборат»** деб таъкидланди съездда.

— Қарорлар ижросини текшириш, — дейди корхона парткоми секретарининг ўринбосари Насим Низомов,—бутун ташкилотчилик фаолиятимизнинг асоси бўлиб, корхонада социалистик мусобақани авж олдиришда, иш самарадорлигини оширишда, интизомни мустаҳкамлашда ва кадрларнинг шахсий масъулиятини оширишда катта ёрдам беради.

Умумий партия йиғилишида, партком мажлисларида, 14 та цех партия ташкилоти ва 61 та партия группасидаги йиғилишларда конкрет қарорлар қабул қилиниши, шу қарорлар ижросини контроль қилиш ва текширишда коммунистлар нинг ғайратини оширмоқда, уларни ижтимоий ишлаб чиқаришда тинмай ўстириш учун курашга сафарбар этишнинг таъсирчан воситасига айланмоқда.

Партия ички ҳаётининг турли масалаларига доир қарорлар қабул қилинганидан кейин энг масъулиятли давр—уни амалга ошириш, мўлжалланган тадбирларнинг бажарилишини текширишни ташкил этиш даври бошланади. Қабул қилинган қарор мазмуни икки нусхада контроль карточкасига тўлдирилади, унинг бир нусхаси парткомда қолиб, бошқа нусхаси бажарувчиларга берилади. Унда бажарувчи, қарорнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлади. Қарор бажариб бўлингач, бу ҳақда карточка орқасига ёзилади ва у контролдан чиқарилади. Цех партия ташкилотларида ва партия группаларида қабул қилинган қарорларнинг қандай бажарилаётгани ва контролдан чиқарилиши махсус журналда қайд қилиб борилади.

Партком мажлисларидан бирида ремонт-механика цехи план ҳамда социалистик мажбуриятларни н и н г бажарилишида коммунистларнинг авангардлик роли тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан цех партия ташкилотининг секретари, слесарь Валентин Семенюк ахборот берди. Мажлисда таъкидланди, цех коммунистлари беш йиллик топшириқларини бажаришда катта жонбозлик кўрсатиб ишлаяптилар, ишлаб чиқаришда авангардлик ролини ўйнаяптилар. Шу билан бирга цех партия ташкилоти цехда қолоқлар бўлишига, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми баъзан сусайиб кетишига, штурмчиликка йўл қўйганлиги кўрсатилди. Мажлис ана шу камчиликларни бир ой ичида бартараф этишга қарор қабул қилди, моддий-техника таъминоти бошлиги Г. Тарковский зиммасига цехни ўз вақтида материаллар билан, ишлаб чиқариш бўлими бошлиги В. Тансан зиммасига цехни деталлар ва узеллар билан ўз вақтида таъминлаш, цех партия ташкилотининг секретари В. Семенюк билан цех бошлиғи коммунист В. Маслов зиммасига ишлаб чиқаришда коммунистларнинг авангардлик ролини янада ошириш вазифалари юкланди.

Коммунистлар томонидан шу мажлис қарорининг қатъий ва изчиллик билан бажарилиши яхши натижалар берди. Кўрсатилган камчиликлар бартараф этилди. Коммунистларнинг ишлаб чиқаришда авангардлик роли ошди. Цех зарур материаллар билан ўз вақтида таъминланиб, бир маромда ишлай бошлади.

Завод умумий партия йиғилишларидан бирида 3-механика цехи партия ташкилоти секретари А. Ботировнинг цехда идеология ишлари қандай йўлга қўйилганлиги тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди. Коммунистлар бу ишдаги ютуқ ва камчиликларни рўй-рост айтдилар. Йиғилиш цех партия ташкилотидан идеология ишларини КПСС XXVI съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, снёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори талабларини асосида ташкил қилиш, мазкур цехда идеологик, оммавий-снёсий ишларни кучайтириш, меҳнат интизомини яхшилаш, КПСС XXVI съезди материалларини кенг пропаганда қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Натижада мазкур цехда ва умуман заводда идеология ишлари кучайди. Заводда 300 агитатор, 120 снёсий ахборотчи, 156 пропагандист, «Билим» жамиятининг 60 аъзоси агитация-пропаганда ишларини қизитиб юбордилар, идеология ходимларидан токарь В. Калашников, асбобсозлик цехи бошлиғи В. Лекин, слесарь В. Свиридов сингари пропагандист, агитатор ва снёсий ахборотчилар оммавий-снёсий ишни цехларнинг коллективлари олдида турган вазифалар билан узвий боғлаб олиб боряптилар.

Партком мажлисларида, коммунистларнинг йиғилишларида партия аъзоларига муайян топшириқлар бериш тўғрисида қарор қилиниши ҳам эътиборга сазовор. Масалан, партком қарорларидан бирида завод директорининг кадрлар бўйича ёрдамчиси, коммунист Р. Қодиров зиммасига энергоцехни ишчи кадрлар билан таъминлаш вазифаси юклатилган эди. Чунки бу цехда ишчи кадрлар етишмас эди. Қодиров партком қарорини бажара борнб, бу цехни ишчи кадрлар билан таъминлаш юзасидан сезиларли иш қилди. Худди шунга ўхшаб партком коммунистокарлар Эргаш Миралимов билан Харис Невлюдовларга шу йил биттадан шогирд тайёрлашни топширган эди. Улар партком қарорини ўз вақтида бажардилар.

Корхона партия ташкилоти юқори партия органлари қарорларининг бажарилишига алоҳида аҳамият бериб келаётир. Шу йилнинг 31 мартида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретариати «Ташстекстильмаш» заводи партия ташкилотининг КПСС XXVI съезди қарорлари асосида мастерларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни янада яхшилаш, ишлаб чиқаришда уларнинг ролини ошириш юзасидаги иши тўғрисидаги масалани муҳокама қилди ва қарор қабул қилди. Заводда жами 119 мастер ишлайди, уларнинг 70 процентн олий ва махсус техника маълумотига эга бўлиб, 83 мастер эса олий ўқув юртлари ва техникумларда ўқиган.

Завод партия ташкилоти тажрибали ва ёш мастерлардан фойдаланишни тўғри қўшиб олиб боришни муҳим масала деб ҳисоблайди, ёш, қобилиятли мастерлар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Натижада кўпгина мастерлар заводдаги социалистик мусобақада қатнашиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, тежамкорликка риоя қилиш учун саботли кураш олиб боряптилар. Лекин партия ташкилоти ҳали ҳамма мастерлар томонидан план ва мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишига эриша олганича йўқ. Баъзи ишлаб чиқариш участкаларида мастерлар план топшириқларининг бажарилишини таъминлай олмадилар. Қарорда бошқа камчиликлар ҳам кўрсатилди. Буни тузатишнинг конкрет йўллари эса ана шу масала муҳокама этилган коммунистларнинг очиқ йиғилишида, цех партия ташкилотларида кўрсатиб берилди. Корхонада мастерларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишлари сезиларли даражада яхшиланди. Ишлаб чиқаришда мастерларнинг роли анча оширилди. Мастерлар социалистик мусобақасининг қўшимча шартлари ишлаб чиқилди. Эндиликда мунтазам равишда мастер куни ўтказилмоқда. Ҳамма мастерлар сиёсий ва иқтисодий таълим системасига тортилган. Коммунистлар: Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Ҳурмат белгиси орденлари кавалери Виталий Казарец (3-механика цехи), Виктор Маляренко (темирчилик-пресслаш цехи), III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери Тўхтасин Абдужабборов сингари кўпгина мастерлар ўз участкаларида иш самарали боришини таъминлашга эришмоқдалар.

Ишчилар ҳозирги кунда янги беш йилликнинг дастлабки йилида олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун самарали ва қизғин кураш олиб боряптилар. Бунда қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши шубҳасиз катта роль ўйнамоқда.

Лекин бу ишда ҳали ҳам айрим камчиликлар бор. Шунга қарамай завод партия ташкилоти қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини контроль қилишни бундан кейин ҳам КПСС XXVI съезди қарорлари асосида такомиллаштира бориш учун ҳамма ишни қилмоқда.

С. НИШОНБОЕВ.



Тошкент Марказий телеграфида кўплаб ёшлар меҳнат қилишади. Сиз суратда (юқорида) магистраль алоқа цехининг созловчи электр механиги, коммунистик меҳнат зарбдори Танзила Ялашованн кўриб турибсиз. У социалистик мусобақа голибидир.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси энг йирик полиграфия корхоналаридан бири. Бу ерда асосий иш жараёнлари механизациялаштирилган. Корхона замонавий полиграфия асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

СУРАТДА: (пастда) янги автомат узатғич конвейери.

И. Шоиноғомов ва М. Нуриддинов фотолари.



• *Экономика янгиликлари*

Самимий миннатдорчилик

Таҳлатошга, «Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг маҳаллий филиалига Куба республикасидан миннатдорчилик билдириб бир хат юборилган: «Аппарат мудатидан илгари ортиб жўнатилганлиги учун ташаккур. У мамлакат экономикаси учун жуда муҳим энергетика объектини ишга туширишга имкон берди» —дейилган. Қорақалпогистон электротехникалари кубалик дўстларнинг илтимосига биноан тропик иқлимга мослаб ясалган электр ёритиш шчитларини жўнатишни икки ой тезлатдилар.

Корхона коллективи бошқа экспорт буюртмаларини ҳам уддалаб келмоқда. Бьетнам, Монголия, Болгария, Афғонистон, Туркия, Сурия, Ироққа аталган паст вольтли аппаратлар муддатидан илгари ясаб жўнатилди. Бу ерда ишлаб чиқариш янгилаб борилаётганлиги графикдан ўзишда ёрдам бермоқда: шчитларни механизмлар воситасида йиғиш жорий этилди, ишчилар электр отверткалардан фойдаланяптилар, маҳсулот сифатига зарар етказмаган ҳолда вақтни тежайдиган бошқа бир қанча технологик янгиликлардан ҳам фойдаланилмоқда.

Қорақалпогистон нинг кўпгина ишлаб чиқариш коллективлари: пахтачилари, кўнчилари, «Союзлакрица» бирлашмасининг меҳнаткашлари биринчи ярим йиллик экспорт буюртмаларини графикдан ўзиб сифатли бажардилар.

(ЎзТАГ).

• *Бугун Тошкент тўқимачилик комбинатида*

ФИЛИАЛДА ИШ ҚИЗҒИН

Комбинатнинг Қорақамиш массивидаги филиали ўз маҳсулотини бера бошлаганидан буён кўп вақт ўтгани йўқ. Ҳозир коллектив лойиҳадаги қувватга чиқишга интилмоқда. Биринчи марта филиалдан берилаётган қуйидаги мақолада ёш коллективнинг бугунги куни ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўтган йилнинг апрель ойида «Ташпромстрой» трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармасига Қорақамиш массивида тўқув цехини (маъмурий-маиший корпуси билан биргаликда) қуриш топширилганди. Қурувчилар топширилган вазифани аъло даражада уддалашди. Сентябрь ойига келиб тўқув филиали асосан қуриб битказилди ва илк бор маҳсулот бера бошлади. Бу ерда қурилиш ишлари билан биргаликда ускуналарни монтаж қилиш ҳам қизғин олиб борилди.

Бугунги кунда Қорақамиш массивидаги бу филиал энг замонавий меҳнат шароитлари яратилган, юқори ишлаб чиқариш самарадорлигига эга бўлган ускуналар билан жиҳозланган тўқув фабрикасига айланди. Бу ерга кирган киши энг аввало «АТПР — 100— 2У» маркали пневморапирали мокисга 304 та тўқув дастгоҳи ўрнатилганлигининг гувоҳи бўлади. Кўзга ярқ этиб ташланадиган кўкиш рангга бўялган ускуналар бир маромда ишламоқда.

Филиални ишга тушириш пайтида унинг раҳбарлари олдида қатор муҳим муаммолар — ишчи кадрларни қабул қилишни таъминлаш, уларни касбга ўргатиш ва ускуналарни ҳамда унинг лойиҳа қувватини тезкорлик билан ўзлаштириш каби вазифалар турарди. 1980 йилнинг декабрь ойига келиб, бу ерда 24 тўқувчи, 26 тўқувчи-шогирд, 10 мастер ёрдамчиси, 12 мастер ёрдамчиси — шогирд меҳнат қилди. Бу вазифанинг муваффақиятли ҳал қилиниши учун қўйилган илк қадам эди. Ёш ишчиларга касб ўргатиш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида корхона филиалларига ишлаб чиқариш илғорлари юборилди. Масалан, корхонанинг мазкур филиалига келган энг яхши созловчи Р. Абдураманов ёш мастер ёрдамчиларига назарий билим берса, А. Кандалов улар билан амалий машғулотлар олиб бормоқда. Иккиси 22 нафар ёш ишчига мастер ёрдамчиси касбини ўргатмоқда.

Тажрибали инструкторлар Ф. Азимова ва М. Ҳайтметовалар учта тўқув группасига раҳбарлик қилмоқдалар. Мастер Н. Ким бўлажак тўқувчиларга назарий билим бермоқда. Шунингдек, отривкачилар тайёрлашни ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу группага корхонанинг энг илғор ишчиси М. Лагай раҳбарлик қилмоқда.

Мураббийлар ёш ишчилар касб маҳоратини тез ўзлаштиришлари учун қунт билан иш олиб бормоқдалар. Бу ўз самарасини бермоқда. Бундан тўрт ой муқаддам тўқувчилик касби ҳақида озгина бўлсада тасаввурга эга бўлмаган қизлар, мураббийларнинг заҳматли меҳнати туфайли бугунги кунда ҳар бири 10—12 тадан тўқув дастгоҳига хизмат қилаяпти. 24—36 тўқув дастгоҳига хизмат қилаётган мастер ёрдамчилари шогирдлар ускунанинг бенуқсон ишлашини таъминлашга эришмоқдалар.

Ёш тўқувчилар М. Исроилова, М. Шамсиева, И. Тожибоева, Х. Исҳоқова, Ф. Эгамбердиева, И. Муравьева, П. Шагаевалар тўқимачилик филиалига биринчилар қаторида ишга келишган. Бу ер уларга жуда қулай — ишлаб чиқариш яшаш жойларига яқин. Бу гапни деярли ҳар бир ишчидан эшитиш мумкин.

Дастлаб, бу «бесўнақай» техника ёш тўқувчиларни бир оз чўчитган бўлса, бугунги кунда ускуналар уларга бўйсунмоқда. Улар ҳозирги кунда 12—14 чиқармоқда. Ҳар бир дастгоҳнинг самарадорлиги соатига ўртача 4,5 метрга тенг. Бу рақамни тезлик билан пландаги кўрсаткичга —соатига 5,9 метрга етказиш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Биз юқорида филиалда яхши меҳнат шароити яратилганлигини айтган эдик. Аммо, шунга қарамай баъзи камчиликлар ишга ҳалақит бермоқда. Масалан, цехларда намликни сақлаш, ҳаво кондиционери ва вентиляция системалари, ҳаммом-дўш ҳали ишга туширилмаган.

Шунингдек, корхонадан танда ипининг ўз вақтида етарли миқдорда етказиб берилмаётгани ишнинг нормал боришига тўсқинлик қилмоқда Бу муаммоларни филиалнинг ўзида танда ипи ишлаб чиқаришни йўлга қўйилгандагина ҳал қилиш мумкин. Бунинг учун эса мавжуд тандалаш ускуналарини монтаж қилиш, ишга туширишни жадаллаштирмоқ зарур.

Филиал коллективи ўз олдидаги вазифаларни қисқа вақт ичида амалга ошириш учун бутун куч ва имкониятини сафарбар этмоғи лозим.

Ҳ. САЙДУЛЛАЕВ, В. АПАСОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида

ИСЛОМОБОД. Жазирама иссиқ бошланиши билан Покистонда кишини нобуд қиладиган меъда-ичак касалликлари ғоятда кўпайиб кетди. «Муслим» газетасининг хабар қилишича, Карочида кейинги бир неча кунниинг ўзидагина ўндан ортиқ киши гастроэнтерид касаллигидан ўлган. Шаҳар сув таъминоти системасининг санитария ҳолати пастлиги касалликларнинг асосий сабабчисидир, деб ёзади газета.

* * *

КОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикасида саводсизликка қарши актив кураш кампанияси давом этмоқда. Афғонистондаги Вардак вилоятининг маркази—Майдон шаҳрида ўтмишнинг шу оғир меросини тугатувчи тўртта янги курс очилди.

Ҳозир Афғонистонда шундай курсларда 550 мингга яқин ишчи, деҳқон, хизматчилар ўқимоқда.

АДР халқ қуролли кучларининг қисмлари Жануби-Шарқий Нангарҳар вилоятида катта қурол-яроғ, ўқ-дорн омборини тугатдилар. Шу операция чоғида, деб хабар беради Баттар агентлиги, 100 нафардан кўп босмачи қириб ташланган, омборда сақланиб келаётган енгил тўплар, гранатаметлар, патронлар, чет эллярда ишлаб чиқарилган юзлаб яшчик милтиқлар ўлжа олинган. Бу база чет эллардан АДР территориясига аксилинқилобий унсурларни ташлаш пункти сифатида фойдаланилган.

* * *

АНҚАРА. Туркияда Ғарб намунаси мувофиқ барпо этилган ва унинг таъсирида турган миллий таълим системаси боши берк кўчага кириб қолди. Мамлакатнинг миллий таълим министри Х. Саглам шу гапни эътироф этди. Министр бу ерда миллий таълим кенгашининг очилиш маросимида гапириб мамлакатнинг иқтисодий юксалтириш манфаатларига мос келадиган туб ўзгаришлар амалга оширилиши зарурлигини таъкидлади.

Кенгашдаги музокаралар чоғида айтиб ўтилдики, Туркияда жорий этиш мўлжалланаётган мажбурий саккиз йиллик таълим масаланинг ижобий ҳал этилиши бўлади. Шу билан бирга мамлакатнинг бир қанча аҳоли пунктларида ҳатто бошланғич мактаблар ҳам ғоятда тақчил бўлиб турганлигига эътибор жалб этилди.

* * *

Туркия пойтахтида доялик хизмат ҳақи ўн баравар оширилди. Анқара марказий туғруқхонаси бош врачининг айтишича, соғлиқни сақлаш ва социал ёрдам министрлиги мамлакатнинг барча медицина муассасалари учун янги тариф жорий этилиши оқибатида ана шу чора кўрилган.

Шу тарифга мувофиқ врач қабул қилиш ҳақи ва касалхонада бўлиш ҳақи ҳам анча оширилган.

Туркиянинг шарқидаги Эрзурум вилояти аҳолисининг ярмигина ўқиш ва ёзишни билади, вилоятдаги ҳар уч қишлоқдан бирида ҳатто бошланғич мактаб ҳам йўқ Бу вилоятни тугатиш учун, дейишди Туркия миллий таълим министрлигининг вакиллари, камида 75 йил керак бўлади.

* * *

ҚОҲИРА. Исроилдаги сионист раҳбарларнинг агрессив босқинчилик йўли мамлакат социал-иқтисодий ҳаётининг ҳамма томонларига салбий таъсир кўрсатаяпти. Соғлиқни сақлаш соҳаси ҳам бундан истисно эмас.

Исроил матбуотининг маълумотларига кўра, мамлакатда кейинги 8 йил ичида медицина хизмати ҳақи қариб 700 процент ошган. Шу давр ичида дори-дармон нархи 13 баравар кўтарилган. Давлат ёрдамидан маҳрум бўлган касалхоналар ва поликлиникалар бирин-кетин ёпилмоқда. Уларнинг ходимлари ишсизлар қаторига бориб қўшилмоқда.

Қисқа хабарлар

ПАРИЖ. Франциядаги «Когема» хусусий компаниясига мансуб бўлган боск уран кони ишчиларидан 300 кишининг забастовкаси бир ҳафтадан буён давом этмоқда. Меҳнаткашлар ана шу корхонанинг национализация этилишини, иш ҳақининг оширилишн ва меҳнат шароитларининг яхшиланишини талаб қилмоқдалар.

* * *

ҚОҲИРА. Миср миллий-тараққиёпарвар (сўл) партиясининг ахборот бюллетени —«Ат—такаддум» бундай деб ёзади: кўпчилик мисрликларнинг кун кечириш тобора қийинлашиб бормоқда.

Ҳатто расмий маълумотларга қараганда, деб таъкидлайди бюллетень, шу йил бошидан бўён мамлакатда нарх-навоғ ой сайин ўрта ҳисобда 15 процент ошиб бормоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва газламанинг, жамоат транспортида юриш баҳосининг қимматлашганлиги меҳнаткашларнинг аҳволини, айниқса оғирлаштириб қўймоқда. Сабзавот ва мева нархи ўтган йилдагига нисбатан 50 процент, транспорт тарифлари эса 150 процент ошди.

* * *

КОТОНУ. Абомей шаҳрида Бенин Халқ революцияси партияси ва Зу вилояти оммавий жамоат ташкилотлари намояндаларининг Осиё ва Африка мамлакатлари билан совет комитети делегацияси ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Бу учрашув тинчлик ва кескинликни юмшатиш учун, империалистик кучларнинг жаҳонни уруш ҳалокати ёқасига келтириб қўйиш йўлидаги уринишларига қарши курашда бирликни мустаҳкамлаш шиори остида ўтди.

Учрашув иштирокчилари Ҳинд океанининг тинчлик зонасига айлантирилишн ва халқаро проблемаларнинг тинч йўл билан бартараф этилишини ёқлаб фикр билдирдилар. Улар апартеиднинг инсонга зид режимини ва Жанубий Африка Республикасининг ирқчилари Намибияни қонунга хилоф равишда оккупация қилиб туришларини қораладилар.

* * *

ЛИМА. Миллионлаб перуликлар — мамлакат пойтахти ва тинч океан соҳилидаги районларнинг аҳолиси ўтган якшанбани катта халқат —кучли зилзила бўлишини кутиш таҳликаси билан ўтказдилар. Табиий офат бўлишини америкалик Б. Брейди «каромат қилган» эди.

Перунинг нуфузли мутахассислари бу тахминни рад этганликларига қарамай, маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган Б. Брейдининг «пайгамбарлиги» мамлакатда ваҳима туғдирди. Граждан мудофаси кучлари оширилган шай ҳолга келтирилди.

* * *

КАТМАНДУ. Непал ўқув юртларининг ўқитувчилари икки ой давом этган забастовка натижасида иш ҳақининг оширилиши ва меҳнат шароитининг яхшиланиши тўғрисидаги ўз талабларининг қондирилишига эришдилар. Пенсия фонди ва социал таъминот фондини ташкил этиш учун ҳам маблағлар ажратилмоқда.

ҚИММАТЧИЛИК ОШМОҚДА

ТОКИО. Деҳқончилик, ўрмончилик ва баликчилик министрлигининг бу ерда эълон қилинган докладида қуйидагилар айтилади: япон деҳқонлари оилаларининг даромадлари 1980 йил молия йилида бундан олдинги йилга нисбатан 16,1 процент қисқарди. Ўтган йили ҳосил яхши бўлмаганлиги сабабли маҳсулот сотишдан оила бюджетларига тушимлар камайди. Айни вақтда ўғит, заҳарли химикатлар, асбоб-ускуналар, бензин сотиб олиш учун ҳаражатлар 11 процент ошди.

САМАРҚАНД МЕЪМОРЧИЛИГИГА ҚОЙИЛ БЎЛМОҚДАЛАР

КАТМАНДУ. Непал Короли академигининг залларида икки ҳафта давомида кўрсатилган «СССР халқларининг меъморчилик обидалари» фотовиставкаси ўз ишини тамомлади. Кўргазма Непал жамоатчилигини ғоят қизиқтирди. Архитекторлар, зиёлилар ва меҳнаткашлар совет республикалари қардош халқларининг меъморчилик санъати тарихи билан, ҳозирги замон архитекторларининг ижодлари билан, Москва ва бошқа шаҳарлардаги XXII ёзги олимпиада ўйинларининг объектларига бағишланган бўлимлар билан танишдилар.

Кўргазма томошабинларининг фикрлари ёзилдиган китобда ўнлаб қувончли минатдорчилик фикрлари пайдо бўлди. «Биз кўргазма учун совет дўстларимиздан бениҳоя миннатдормиз, бу кўргазма бизга Москвадаги Қизил Майдонни, Самарқандни кўриш, совет архитектурасининг тарихи билан танишиш имконини берди», —хизматчилардан Р. Х. Дҳун билан Х. Р. Даҳал ўз таассуротларини мана шундай ифодаланганлар.

«Совет меъморчилик санъати унутилмас таассурот қолдиради, совет кишиларини яхшироқ билиш ва тушунишга ёрдам беради. Бундай кўргазмалар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга кўмаклашади», деб таъкидлади Катманду технология институтининг студенти Ш. Покхрел.

КОНГО ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

МАПУТУ. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездидаги докладида баён этиб берилган Совет Иттифоқининг тинчлик ташаббуслари ҳақиқатан ҳам халқларини урушдан ҳимоя қилишга қаратилган, деди Конго Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Раиси, Конго Президенти Дени Сассу Нгессо.

У ўз шарафига Мозамбик Президенти Самора Машель ўюштирган қабул маросимида сўзга чиқиб, Рейган маъмурияти нинг жаҳонни яна «совуқ уруш» гирдобига тортиш йўлидаги уринишларини қаттиқ танқид қилди, Вашингтоннинг сиёсати бизнинг қитъамизда тинчликка хавф солади, деди у.

Дени Сассу Нгессо Мозамбикка ва бошқа «фронт ёқаси давлатларига» қарши эълон қилинмаган уруш олиб бораётган, Намибияни ҳамон қонунга хилоф равишда оккупация қилиб турган ва ЖАРнинг африкаликларга қарши бедодлик қилаётган преторияларнинг ирқчи режими хатти-ҳаракатларини ҳ и қоралади.

Империалистик давлатлар Ҳинд океанини милитарлашти р а ё т ганлиги регион мамлакатларининг мустақиллигига бевосита хавф солмоқда, уни тинчлик зонасига айлантиришга тўсқинлик қилмоқда, деди Самора Машель.



Англия ҳукуматининг Буюкбританиянинг «оқ мустамлакаси»да олиб бораётган сиёсати Лондоннинг Шимолий Ирландия қамоқхоналаридаги маҳбусларнинг талабларини қондиришни истамаётганлиги Ольстер аҳолисининг қаттиқ қаршилигига дуч келмоқда.

СУРАТДА: Бельфастда Лонг Кеш қамоқхоналарида азоб чекаётган маҳбусларни қўллаб-қувватлаб ўтказилган оммавий намойиш қатнашчилари.

ТАСС фотохроникаси.

Фан ва техника оламида

КЕЛАЖАКНИНГ ЭНЕРГЕТИКА МАНБАИ

Сўнгги йилларда келажак энергетикаси тўғрисида кўп ёзишмоқда ва гапиришмоқда. Хўш, келажак энергетикасини ривожлантириш йўллари ҳақида гап юритишнинг нима ҳожати бор, деб сўрарсиз. Албатта, буларнинг ҳаммасини келажакка бўлган ҳавасни қондириш учун ҳикоя қилмоқчи эмасмиз. Ахир, келажак бизнинг меҳнатимиз билан яратилади. Бугунги кунда инсоният эга бўлган илмлар, бизга хизмат этаётган энергетика манбаларининг муваффақиятлари д и р. Инсоннинг улуғворлиги табиат кучларини бўйсиндиришда,

Ҳурматли оқшомхон, табиий равишда сиз келажак энергетикасига ҳозирги кунда шунчалик эътибор берилишига сабаб нима, деган савол билан мурожаат этишингиз турган гап. Бунга сабаблар жуда кўп. Биринчидан, йилдан йилга ўсиб бораётган ёқилғи танқислиги янги турдаги энергетика манбаларига бўлган талабни кучайтирди. Иккинчидан, одатдаги энергия манбалари — нефть, табиий газ, тошкўмир, торф ва бошқа ресурслар бениҳоя кўп эмас.

Учинчидан биз автомобиль транспортида энг кўп фойдаланиладиган ёқилғи — бензин асрида яшамоқдамиз. Маълумки, бензин нефтдан олинади. Бироқ соф нефтни кўплаб ёқиш, юмшоқроқ қилиб айтганда, планетамиз бойлигини совуриш демакдир. Бир вақтлар улуғ рус кимёгари Д. И. Менделеев нефтнинг исрофгарчилик билан ёқилишига қарши гапириб, киноя билан «пулни ҳам ёқиш мумкин!» деган эди. Ҳақиқатан нефть — бу саноатда алмаштириб бўлмас ва топилмас маҳсулот.

Ва ниҳоят, одатдаги углеводород асосли ҳамма ёқилғиларнинг муҳим бир салбий томони бор. У ҳам бўлса, уларни аёвсиз ёқиш планетамиз атмосферасини ифлосланишига олиб келади.

Модомики, шундай экан, бу вазиятдан қандай қилиб қутилиш мумкин? Умри тугаш олдида турган мавжуд ёқилғилар ўрнига олимлар қандай бошқа энергетика манбаларини таклиф этишмоқда? Наҳотки, энергетика манбаларининг ҳамма турлари кашф этилиб, унинг барча сирлари аниқланган бўлса? Албатта, йўқ. Табиатда қанча-қанча бошқа манбалар бор.

Дунё олимлари кўп изланишлардан сўнг «бу — водород бўлиши мумкин» деган жавобни беришди. Бу жавоб ғалатироқ эшитилса ҳам, аммо аслини олганда ҳеч бир ҳайрон бўладиган жойи йўқ. Водород фақат термоядро ёқилғиси эмас, балки одатдаги химиявий ёқилғи ҳамдир. Водороднинг «антиқа»лиги унинг катор афзалликлари билан ифодаланади. Келинг, буни яқинроқ кўриб чиқайлик.

Ёқилғининг запаси бўйича водородга тенг келадиган бирон та ёқилғини топиш амри-маҳол. Саҳий табиат унинг Ерда битмас-тугамас манбаини яратиб қўйибди — бу дарё, денгиз ва океанлар.

Бошқа бир томондан, водороднинг манбаи планетамизда амалий жиҳатдан чексиз деб қатъий айтиш мумкин. Чунки водороддан фойдаланиш процесси ёпиқ циклда бўлади— водород ёнганда сув ҳосил бўлади, сувни парчалаш ёки электролиз қилиш йўли билан яна водород олинаверади.

Бундан кўриниб турибдики, водороднинг ёқиш мутлоқ зиёнсиз. У атмосферага на заҳарли газлар, на углеводород бирикмалари, на ҳавфли қора қурумни чиқаради, балки энг оддий сув, водород — бу ташқи муҳит муҳофазаси масаласини узил-кесил ҳал қилиш имкониятига эга бўлган ягона ёқилғи.

Биласизми, водород ёнганда қанча иссиқлик беради? Тахминан 1 килограмми ёқилганда 28700 катта калория иссиқлик беради. Бу миқдор 1 килограмм бензин ёнганда ҳосил бўладиган энергиядан тахминан 3 марта, тошкўмирдан эса деярли 5 марта кўп демакдир.

Водороднинг бензиннинг ўрнида автомобиль транспортида ишлатса бўлади. Ҳозирги ички ёнув двигателини осонгина «водород» двигателига айлантириш мумкин. Шу кунларда мамлакатимизнинг йирик шаҳарларида «ВАЗ-2101», «ГАЗ-24», «Москвич» ва «Запорожец» машиналари базасида яратилган водородли автомобиллар синовдан ўтмоқда.

Хуллас, водород шунчалик фойдали ёқилғи экан, нима учун ундан ҳозирги кунда кенг миқёсда фойдаланиш мумкин эмас? Хўш, айтингчи, нима сабабдан бу «тенги йўқ» ёқилғи лаборатория доирасидаги, тажриба босқичидан ташқарига чиқмаяпти?

Гап шундаки, водород ёқилғи сифатида қатор камчиликларга эга. Жумладан, уни истеъмолчиларга етказиш, тақсимлаш ва сақлаш масаласи шу топгача тўлиқ ҳал қилинмаган. Албатта, бу борада қатъий бир ҳукм чиқаришга шошилмаслик лозим. Умуман, бу борадаги муаммоларнинг ҳаммаси соф техник муаммолар бўлиб, улар истаганда албатта, ҳал этилади.

Водороддан фойдаланаётганда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилишга тўғри келади. Чунки водороднинг ҳаво билан аралашмаси кучли портлаш хусусиятига эга. Агар шундай мутлоқлик билан фикр юритсак, унда гугурт ҳам хавфли. Бензин эса гугуртдан ҳам хавфли, бироқ биз ундан тамоман хотиржамлик билан анчадан бери фойдаланиб келаяпмиз. Химиклар келажакда водород билан ҳам худди шундай бўлади, деб айтишмоқда.

Энди уни саноат миқёсида ишлаб чиқаришга келсак, албатта, бу масалага дуруст эътибор берилмаган. Сувни электролиз қилиш усули билан водородни ажратиб олиш технологияси оддий бўлгани билан анча қиммат. Термо, фото ва био-химиявий усуллар ҳали саноатда яхши ўзлаштирилмаган. Ҳисоблар шуни кўрсатадики, водород бутун дунёда ишлаб чиқариладиган бензиннинг фақат 1 процентини ташкил этади. Ҳозирда водородни ишлаб чиқариш тобора ўсиб бормоқда. Қисқаси, ҳар қандай янги ёқилғи сингари водород ўзининг қийин ва мураккаб йўлини босиб ўтсада, келажак албатта унікидир.

Қолаверса, водород бошқа хил ёқилғилар орасида энг қимматбаҳоси ҳисобланади. Тўғри, лекин шуни унутмаслик керакки, ёқилғининг нархи ишлаб чиқаришнинг миқёсига боғлиқ. «Водород» экономикаси (саноати) гуруллаб тараққий қилгандан кейин унинг нархи бир неча марта камаяди, ҳатто бензиннинг нархидан ҳам кам бўлиши турган гап.

Сирасини айтганда, ҳозир водород энг қулай ёқилғи сифатида вояга етиб, у дунёга танилди ва ўзининг яшаш ҳуқуқини исботлади. Аммо водород проблемасини бир зумда ҳал қилиш мумкин эмаслигини ҳамма билади. Ундан ташқари бу масалани ҳал қилиш устида қанча кўп ёш мутахассислар ишласа, у шунча тез ҳал бўлади.

Техника тараққиётининг асл маъноси шуки, у энергиянинг янги, иқтисодий жиҳатдан арзон, қулай, ташқи муҳитни ифлослаймайдиган, янада такомиллашган формаларини қидириб топади. Ҳозир олимларнинг куч ва ғайрати водород проблемасига қаратилган. Уларнинг меҳнати кутилган мақсадга олиб келади, деб умид қилиш мумкин. Ана шунда инсоният тарихида мисли кўрилмаган ёқилғи яратилган бўлади.

Ш. ИБРОҲИМОВ,
Волга автомобиль заводининг инженери.

ЮЛДУЗЛАР ТЎҒРИСИДА ТАСКИРА

Ҳозир Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқшунослик институти қўлёзмалари тўпламига қўшилган бу астрономик таскира бундан қарийб саккиз аср аввал ёзилган. Афсуски, бу илмий асарнинг бош қисми сақланиб қолмаган, шунинг учун унинг номи ҳам, автори ҳам бизга номаълум.

Институтнинг катта илмий ходими Раъно Жалилова таскира 1236 йилда кўчириб ёзилганлигини, лекин у бундан аввал яратилганини аниқлади. Унда ўша замоннинг астрономик кузатишлари акс эттирилган. Птолемей ва Беруний асарларидан далиллар келтирилган.

Асарда самовий жисмларнинг координатларини аниқлашда ишлатиладиган астрономик асбоб-квадрантнинг схемачизмаси ҳам бор. Физика-математика фанлари кандидати Ашраф Аҳмедов бу квадрант Беруний ишлатган квадрантдан фарқ қилишини айтди.

Институт олимлари бизга ўрта асрдан етиб келган бу таскирани нашр этишга тайёрламоқдалар.

ДОРИВОР ИЗЛАБ

Тошкент фармацевтика институтининг студентлари ҳамда Термиз медицина билим юрти ўқувчилари шифобахш гиёҳлар излаб Бойсун тоғларига жўнаб кетдилар. Бу юришлар студент ёшларнинг яхши анъанаси бўлиб қолди.

Шу йил Сурхондарёда 12 тонна қимматли доривор хом ашё тайёрланади. Фармацевтика саноати учун анъанавий доривор ўт-ўланлардан ташқари 850 килограмм анжир баргини ҳам тайёрлаш мўлжалланади. Бундан тери касалликларини даволайдиган препарат тайёрланади. Маккасано тайёрлаш ҳам кўпаяди. Шўрчи районидаги Жданов номли колхозда бир неча йилдан бери маккасано экилмоқда.

(ЎзТАГ).



«Ўзбекфильм» киностудиясида «Менинг қадрдон москваликларим» деб номланган янги фильм суратга олинмоқда. Картинада Совет Иттифоқи халқларининг, айниқса, Улуғ Ватан уруши йилларида ёрқин намоён бўлган интернационал дўстлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Фильм уруш йиллари оғир синовлардан ўтган ўсмирларнинг характерлари шакллантиши, маънавий жиҳатдан камол топиши ҳақидадир.

Сценарий автори ва постановкачи режиссёр — Ҳожи Аҳмад. Фильмни операторлар Игорь Гелейн ва Николай Хмара суратга олмоқда.

СУРАТДА: янги кинофильмдан бир кадр.

А. Горокрик фотоси, (ЎзТАГ).

КУЁВ ҚОЧДИ

(ҲАЖВИЯ)

ЗАГСга бир ҳафта қолганда, куёв билан учрашиб, у-бу нарса ҳарид қилишга келишилган экан. Ойим ёнимга янгамни қўшиб жўнатар-канлар:

— Ҳамма ишни янганг пишитади, билиб-билиб ишини қилади. Сен ҳудабеҳудага аралашаверма, куёвнинг олдида ўзингни оғирроқ тут, — деб тайинлаб қолдилар.

— Кироий куёвинг шундоқ бўлса, узукка кўз қўйгандай мосиз-лар-а, — деди янгажоним, куёвга узоқдан ишора қиларкан билагимдан «юмшоққина» чимчилаб. — Барвақт келибди, акангиз бўлса доим кечикиб келардилар, ҳатто ЗАГС куни ҳам роса куттирганлар-ку.

Янгамнинг гапидан кейин астагина куёвга қараб қўйдим. Аввал уялиб унча қаролмаган эканман, чиройликкина экан. Юрагим «шиғ» этиб кетди. «Саломингни эридан чиройли, бўйлари ҳам баландгина экан» ўйладим ўзимча.

— Ярим соатдан буён кутаман-а, тинчликми, — деди куёв бўлмиш саломлашиб, янгамга қараркан.

— Ҳа энди кутасиз-да, тоққа чиқмасанг дўлона қайда, жондан кечмасанг жонона қайда! Бировнинг йигирма йил қозғога ўроғлик қандай асраган қизига етишиш осон бўптими, — шарақлаб кулди янгам қипқизил «Жигули»га ўтираркан, — кейин куёвга команда берди: — Тўғри «Ювелирний»га ҳайданг...

Йўлда кетаркамиз, янгам қулоғимга шипшиди:

— Эҳтиёт бўласиз-да энди, бунақанги келишган йигитларнинг харидори кўп бўлади. Мана мендан ўрнак олинг, акангизга ҳамиша кўзқулоқман. Акангиз билан ишлайдиган Юлдузхон менинг «агентим». Насрулло акамларнинг бир кунда неча марта акса урганларию, тушликда қандай овқат еганларигача етказиб туради.

Машинанинг кескин тормози янгамнинг гапини бўлди.

— Марҳамат, келдик, — деди куёв Акбаржон машина эшигини очиб.

Ичкарига киргач бир чеккада тўхтаб қолдим. Нима бало бутун шаҳар шу ерга кўчиб келганми, пештахта ёнига яқинлашиб бўлмасди.

— Йўқ, анавинисини, анавинисини деяпман-ку, — норози шивирлайди атлас кўйлакли қиз.

— Аттанг, ўша сиз айтган узукдан кечагина кўрган эдим-а, — афсус билан бош чайқайди яна бир йигит севгилисига.

— Муҳайё, размерингиз ўн саккиз-а, узукни ўзим танлайман, сиз ойимнинг гапини эсдан чиқарманг, четрокда тураверинг, — янгам сумкасини шахд билан билагига солиб, ўзини навбатда турганлар орасига урди. — Опўси, бизга анави узукни кўрсатворинг, — магазинчига гап қотди янгам Акбарни навбатга қўяркан.

Бундай қарасам, янгажоним тўрт юз ўттиз сўмлик узукни бармоғига солиб кўряпти. Бунақанғи бўртган узукни ёқтирмайман, яна қимматлигини-чи!

— Менга анавинақаси ёқади, — шипшидим янгамнинг енгидан тортиб.

— Олдинроқ масла-ҳатлашиб олиш керак эди, — деди орқамизда турган қиз қошларини чимириб, — ҳар биринг-из ярим соатдан танласангиз, орқада турган шўрликларга навбат етадими?

— Мунча тилингиз аччиқ, яқинда келин бўладиган нарса, бу ерни магазин деб қўйибди, ўнтасини кўриб биттасини оламиз, — янгам ҳалиги қизни «боплагач, мени ҳам узиб олди: — Намунча паст кетмасангиз, куёв нима деб ўйлайди, ҳозир келинлар фақат шунақасидан тақади-ку, сизнинг улардан қатиз кам!

— Мана, янгажон, кетдик, — деди Акбар йўл бошлаб. Биз тортишгунча у савдони пиширибди.

— Бой, нега бунақа «простойний» олдиз, — қошлари чимирилиб кетди янгамнинг, Акбарнинг ўзига олган узугини кўргач. — Насрулло акамла беш граммлигини олгандила, ҳалигача яраклаб кўзни олади.

— Кейинроқ унақасидан ҳам оламиз, — Акбар машинага газ берди.

— Магнитофонингиз борми, бураб қўйинг қулоғини, бундай яйраб эшитайлик, — учкирма гап қилди янгам.

Куёв индамай магнитофон қулоғини босди.

— Магнитофон эшитсам, тўйимиз эсимга тушади. Машинадан тушишим билан Насрулло акамларнинг оёғини шундай босибманки, бечора «вой» деб юборса бўладими, оғриғи ҳанузгача босилмайди шекилли, ҳалиям эслаб жаҳли чиқади, — кулди янгам.

— Бирор жойда овқатланиб олсак, қаршилик йўқми, Муҳайё? — менга юзланди Акбаржон.

— Бирор жойингиз нимаси, ресторанга борамиз, аввал шундай ЦУМга бир кириб ўтайлик, складида танишим бор, кеча мол олдик деяётганди, — шанғиллади янгам.

Уфф, шу ерда ҳам магазин дейди-я, нима бало тиши магазинда чиққанми. Дод деворай дедиму, ўтирган жойимда бир силкиниб қўйдим.

Янгам кайфим бузилганини сезди:

— Кам-кўстларни кўёв билан биргалашиб олволайлик дейман-да, бу ҳам бир давр, эртага тўй ўтсин, бундай етаклашиб юришлар қаёқда дейсиз.

— Унчаликмас, тўйдан кейин насиб бўлса, саёҳатга чиқамиз, — деди Акбаржон эркаловчи оҳангда.

— Тўйгача Ойга олиб боришга ҳам тайёр тураси-лар... Насрулло акамла эҳ-ҳе, қандай ваъдалар бермаганлар. Энди эслатсам куладила холос, — лаблари бурилди янгамнинг.

Жаҳлим чиқиб кетди, жуда ичи тўлиб қолган эканку, ўзимизга айта қолса бўлмасмиди. Синамаган одамнинг олдида... Уни боплаб чақиб олай дедиму, оймларнинг танбеҳлари эсимга тушиб индамадим.

— Шу ерда тўхтата қолинг, — машиналар турган павильон майдонига ишора қилди янгам...

Акбар янгамнинг танишидан устига «шапка» бериб менга ва ўзига туфли, янгамга «Сув париси» номли шифон, қимматбаҳо француз атири олиб берди. Атайлаб қилганми пули фақат эллик сўмлик эди.

Магазиндан чиққанимизда янгамнинг чиройи яна ҳам очилди. Овқат олдидан ичилган озгина шампанское эса жуда мард қилиб юборди.

— Ойингиз совчи бўлиб бордилару, бирикки оғиз гаплариданоқ менга ёқиб қолдилар. Тагли-тугли одамлар эканликлари шундоққина кўриниб турарди. Бир амаллаб қайнонамни ҳам, Муҳайёхонни ҳам кўндирдим. Ойисини шунчалик ажойиб, ўғли бебаҳо бўлса керак, бегона қилмайлик, — дедим. Мана тўғри гапирган эканман. Сиз менга ёқиб қолдингиз. Муҳайёхонни-ку, қайинсингил эмас, туғишган сингил деганман.

Акбар ортиқча гапирмас, янгамнинг гапларига мийғида кулиб ўтирарди.

— Акбаржон энди бирров «Келин-куёвлар» магазинини ҳам кўриб ўтсак, кейин уйга қайтамиз, — юмшоққина таклиф қилди янгам.

— Кетақолайлик, у ерда нима бор, — дедим норози бўлиб.

Акбар, ҳайрият, сиз ҳам гапирар экансиз-ку, дегандай тезгина менга қараб олди-да, кейин қўлини кўксига қўйиб:

— Бир оғиз сўзингиз янгажон, — деди.

Бу магазинда йиллаб навбатда туриб олол-майдиган гилам ҳам, ноёб тилла тақинчоқлар ҳам, турли хил устки кийимлару, ранг-баранг газламаларгача бор эди. Янгамга узун тилла занжирли кулон соат ёқиб қолди шекилли, Акбарни имлади:

— Ҳозир шунақа кулон соат мода бўлган, тўйининг эртасига келинга совға қиласиз. Ўзи ҳам танти куёв бўлиб танилмасиз, маҳаллада дув-дув гап бўлади, айланай, тўрт юз сўм катлада қолиб кетмайди.

Акбар индамайгина чўнтагига қўл тиқди-ю, ранги оқариб, «ҳозир» деганича ташқарига отилди.

— Нима қиламан занжирли соатни, соатим бор-ку, — дедим жаҳл билан.

— Аҳир ҳозир шунақаси мода. Нимани кўрсатсам, кераги йўқ деяверасиз. Мен сизга бўлсин деб тортишаяпманку, сиз бўлсангиз... бир жойдан бир жойга боргандан кейин ҳамма нарса тўкис бўлсин дейман-да!

— Шундоғам минг сўмча пули кетди, ҳадеб қаердан олади пулни?

— Тўй бўлишига зўрға кўндиргандим, энди куёвга жонингиз ачиб қолдими, уяте, — жаҳл билан эшикка қараб юрди янгам, — менга нима, билганингизни қилинг!

Лекин ташқарида Акбар ҳам, машинаси ҳам кўринмасди.

— Вой шарманда, кетиб қолибди! — тиззасига урди янгам...

Бир амаллаб уйга бордиму олинган нарсаларни янгамга тутказиб, ойим билан ҳам гаплашмай, ҳонамга отилдим.

Кечқурун телефон жиринглади. Трубкадан Акбаржоннинг овози эшитилди:

— Муҳайёхон, машинани сотдим, эртага хоҳлаган нарсангизни олиб бераман... Қаерда учрашамиз?!

Муҳаббат ҲАМИДОВА.

ТО ЎПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. ТУРСУНОВА: Икки йиллик меҳнат стажига эгаман. Ҳозир ҳомиладорлик отпускасидаман. Фарзандим туғилгандан кейин менга неча кунга отпуска беришади? Баъзилар фарзандингиз бир ёшга тўлгунча ўртача иш ҳақингиз сақланиб қолган ҳолда отпуска олишингиз мумкин дейишяпти. Шу тўғрими?

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра, ҳомиладор аёлларга кўзи ёришгунга қадар 56 кун, кўзи ёригандан кейин ҳам 56 кун миқдорида отпуска берилади. Бу кунлар учун шу аёлнинг меҳнат стажи неча йиллигидан қатъий назар унга нафақа тўлиқ иш ҳақи тўланади. Эгизак фарзанд кўрганларга 72 кун миқдорида отпуска берилади.

Кўзи ёриган аёллар фарзандини боғчага жойлаш имконига эга бўлмасалар, бир йилга қадар ўз ҳисобидан отпуска олишлари мумкин. Бу муддат уларнинг умумий меҳнат стажига қўшилади.

* * *

А. НАЗИРОВ: Шу йил техникумни битириб, йўлланма билан «Таштранспецстрой» га қарашли 72-қурилиш бошқармасига ишга келдим. Эшитишимга қарағанда менга ўхшаган ёш мутахассисларга ёрдам пули берилар экан. Бу ёрдам қандай тартибда ва канча миқдорда берилади?

Жавоб: Меҳнат қонунлари Кодексида кўрсатилишича, олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларини битириб, йўлланма билан ишга юборилган ёш мутахассисларга иш жойига етиб олиш учун сарфланган йўлкира ва юкларини етказиб олиш учун, шунингдек йўлда озиқ-овқат учун сарфланган ҳаражат пуллари тўланади.

Айни пайтда ёш мутахассисларга йўлланма берилган ташкилотда белгиланган бир ойлик окладининг ярми миқдорида ёрдам пули берилади.

* * *

Т. ИЎЛДОШЕВ: Мени бир масала, яъни ишлаб бўшаган кишининг меҳнат дафтарчасидан олинган кўчирмани ким тасдиқлаши кизиктиради. Чунки меҳнат дафтарчамдан олинган кўчирмани нотариаль контора ходимлари тасдиқлашмади. Шу тўғрими?

Жавоб: Тўғри. Меҳнат дафтарчаларини тўлдириш ва сақлаш ҳақидаги тартибга кўра, меҳнат дафтарчаларидан олинган кўчирмаларни фақат ишчи ёки ходим ишлаб турган корхона ёки ташкилотнинг кадрлар бўлими тасдиқлаши лозим.

***

Т. АШУРОВ: Мен футболга жуда қизиқаман. Иложи бўлса футбол қаерда пайдо бўлгани, мамлакатимизда ва республикамизда қачон футбол командалари ташкил қилинганлиги ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: «Футбол» сўзи инглизча «фут» — оёқ, «бол» — тўп маъносини билдиради. Оёқ тўпи билан одамлар жуда қадим замонларда ҳам шуғулланишган. Жумладан 2000 йил илгари Хитойда футболга жуда яқин бўлган спорт тури бўйича мусобақалар ўтказилганлиги маълум. Аммо у пайтда майдондаги ўйинчилар оёқ ва қўллари билан тенг ҳаракат қилишган. 1863 йилнинг 8 декабрида англиялик-лар футболни фақат оёқ билан ўйнаш лозимлиги ҳақидаги қоидани ишлаб чиқишди. Шу кун футбол расмий ўйин сифатида дунёга келган кун ҳисобланади.

Мамлакатимизда биринчи бўлиб ташкил қилинган команда Санкт-Петербург «Спорт ишкибозлари клуби» ва Санкт-Петербург «Футболчилар тўгараги» ҳисобланади. Бу командалар 1898 йилнинг 13 сентябрида ўзаро расмий учрашув ўтказишган.

Республикамизда дастлабки футбол командаси 1911 йилда Фарғона шаҳрида ташкил қилинган.





Ўзбек давлат филармониясининг «Ёр-ёр» вокал-чолғу ансамбли яқинда Иваново областида бўлиб, Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштиришга нелган ўзбекистонлик мелиораторлар ва қурувчилар ҳузурида ўндан ортиқ концерт берди. Ўзбек, рус, тожик, украин, озарбайжон тилларида янграган қўшиқлар қўриқ ер ўзлаштирувчилари томонидан қизғин кутиб олинди.

СУРАТЛАРДА: ансамбль рақбари, республикада хизмат кўрсатган артист Юнус Тўраев куйламоқда; ансамблнинг етакчи солисти Д. Комилова қўшиқ ижро этмоқда.

В. Баскаков фотолари.

ТАБИАТ МИНБАРИ

ТАҚРИЗ

Эркин Неъматов табиатнинг, сайёрамизнинг, она-Ватаннинг чинакам шайдоси ва фидойисидир. У ўзининг ҳаётини, ризқу рўзини, бахтини, қувончини, осойишталигини табиатга, мўътабар заминга чамбарчас боғлиқ йўсинда англайди. Ёвузликка, урушга, кулфатларга қарши жадал ва дадил курашларга даъват этади. Бу даъват шоир шеъриятининг поэтик бош ғоясини ва фалсафий йўналишини белгиловчи хусусиятга айланган. Шоир қутлуғ еримизнинг гўзаллиги, серфайзлиги, поклиги ва серҳосиллиги учун изчил курашмоқ ҳар бир кишининг қарзи эканини бадиий умумлаштиришга интилади. Бу фазилатлар шоирнинг ўтган йили «Ёш гвардия» нашриёти томонидан чоп этилган «Табиат минбари» тўпламида, айниқса, яққол намоён бўлган.

Эркин Неъматов табиат билан инсон ўртасидаги муносабатнинг узвийлигини, занжирбандлигини чуқур ҳис этади. Унинг наздида, ҳар иккаласи бир-бирисиз барқ уролмайди, яшнолмайди. Негаки, улар тақдирдошдир.

ардоқлар замин,
Уканг ҳаёти ҳам
одамда ахир.

Шоир ҳаёт билан табиат орасидаги узвий муносабат бирлигини, узвий тақдир бирлигини тобора чуқурроқ ифодалашга уринади. Замин билан борлиқ, жумладан замин билан бутқул мавжудот ўртасидаги азалий, узилмас боғланишни, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмаслигини поэтик идрок қилади. Ўз назарлари, тушунчаларини бадиий сатрларга сингдиради. Бунга «Япроқ» шеъри далил бўла олади:

Қуёш нурин юзга
беркитиб,
Чирт узилиб тушади
бир кун.

Мабодо бири ниқирозга учраса, иккинчиси унинг таъсиридан четда қолмайди:

Мурувват соҳиби сира
олмас тин,
Иссиқ сийнасидан
оқизар меҳр.
Инсон ҳаётини
Она ерни ўпади бориб,
Ўз кафтида тутгани
учун.

Эътиборли томони шундаки, шоирнинг бадиий идрокидаги Ватан аслида табиатнинг ажралмас қисмидир, уни табиатдан ажратиб қараш мумкин эмас. Зотан, қуёшдаги сахийлик билан заминдаги саховат Ватаннинг вужудига сингади. Шунга кўра Ватаннинг турган-битгани саховатдан, баракадан иборат. Юраклардаги қувонч, хаёллардаги нурафшон бўстонлар юрт боғларининг аксида жилваланади:

Сахийликни қуёшдан
олиб,
Офтоб мисол
куйланган достон.
Юрагимга қувончлар
солиб,
Хаёлимни илитган
бўстон,
Юртим боғлари, ҳей,
юртим боғлари.

Эркин Неъматов қайси мавзуга мурожаат қилмасин, унинг кўз ўнгида борлиқ, табиат, соҳиятнинг бурчи эканлигини англаймиз.

Шоирнинг асарларини ўқиган, магазин чаққан сайин, шеъриятга сингган эзгу мақсадга сатрма сатр дуч келамиз. Ватанни асраш ва эъзозлаш, унинг гиёҳларини муҳофаза қилмоқликнинг ўзи ҳам табиатни асраш ва қўриқлаш демакдир. Бу қараш «Муқаддас саналгай» шеърида тўла акс этган:

Кўзларинг олдида она
бир ёғду,
Ундан бошланади
сенда ҳар ҳавас.
Аммо илк волиданг
Ўзбекистон бу,
Сенга ҳаёт берган ва
берган нафас.

Эркин Неъматов қайси мавзуга мурожаат қилмасин, унинг кўз ўнгида борлиқ, табиат, инсон деган назарни илгари суради шоир. Инсон ўз улуғлиги, қудратлилиги туфайли ҳамиша ҳур яшамоғи, ҳур нафас олмоғи, эркига чанг солувчиларни даф қилмоғи даркор. Бинобарин, замонлар ва вақт нетарди. Шунда металлург олимлар эритма учун зарур композиция танлашга ўз табиий идрокларига қараб иш қилардилар. Аммо бунга анча моддий маблағ

Ленин билан довруғ
солдим жаҳонга.
Ленин билан қутлуғ
қадам ташладим,
Шу қадамда
кўтарилдим осмонга.
Мана бугун
кафтимдадир она ер,
Нафасимдан
қизармоқда
ер юзи.
Кўзларимда сирли
қаср — бу аср,
Юракларни лол
этмоқда юлдузим.

«Табиат минбари»га кирган шеърларнинг айримларида («Фарзандлар ҳам ўсишмоқда қув», «Табиат минбари», «Оламни кузатаман», «Мен қайта туғилсайдим», «Тушимда», «Номаълум солдат қабри ёнида» каби асарларида ёрқин ифодаланган.

Эркин Неъматов бошқа шоир-адиблар қаторн доҳий Ленин-нинг улуғ ва барҳаёт сиймоси, ўлмас ишларининг янги қирраларини сатрларга сингдиришга ҳаракат қилади. Янги дунёни, янги замонни, янгича курашни Ленин даҳоси ва ижоди деб қарайди:

Менинг асрим Ленин
билан бошланди,

Р. ҚОДИРИЙ,
филология фанлари кандидати.

Редактор
ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

3 ЮШКЕНТ бет оқшоми

7 ИЮЛЬ, 1981 й.

Буюкизик ҚОТИШМАНИ КОМПЬЮТЕРГА БУЮРАВЕРАСИЗ

Турли металл қотишмаларининг хоссаларини эритмасдан айтиб бериш мумкинми? СССР Фанлар академияси металлургия институтининг олимлари шу саволга ижобий жавоб қайтардилар. Улар керакли қотишмаларни компьютерга «буюра» бошладилар.

Сўнгги пайтларгача металлург олимлар эритма учун зарур композиция танлашга ўз табиий идрокларига қараб иш қилардилар. Аммо бунга анча моддий маблағ ва вақт кетарди. Шунда металлург олимлар изланишларда кибернетиканинг ютуқларидан, жумладан образлар танлаш назариясидан фойдаланишга қарор қилдилар. Компьютер химик объектларни класснфикация қилиш методига ўргатилди. Менделеев даврий системаси барча элементлардан ҳар бирининг электрон тузилиши тўғрисидаги маълумотлар машина хотирасига киритилди. Шунда электрон машина турли бирикмаларнинг ғоят хос хусусиятларини билиб, қотишмалардаги металларнинг хоссалари ва бошқа томонларини ўзи олдиндан айтиб бера бошлади.

Ҳозир компьютер ёрдами билан 15 минг хилдан кўп металл қотишмаларига прогноз тузиб чиқилди. Илгари номаълум ва ғоят ўтказувчанлик хоссасига, юксак магнит сифатига эга бўлган қотишмалар тўғрисида қизиқ-қизиқ маълумотлар олинди.

Ҳисоб техникаси ёрдами билан металл қотишмаларини прогноз қилиш натижалари Москва, Ленинград, Киев саноати ходимларини, кўпгина мамлакатларнинг олимларини қизиқтириб қолди.

(ТАСС).

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—82 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРАДИ: **саноат ускуналари бўйича слесарь-ремонтчи, металлар бўйича токарь, механика йиғув ишлари слесари** (станокли ва слесарли ишларнинг разметкачи-контролери), **электр ускуналарга хизмат курсатиш бўйича электр монтёр, қўлда пайвандлаш бўйича электр пайвандчи, ярим автомат машиналарда ишловчи электр пайвандчи, пайвандлаш ишларининг контролёри, фрезерчи, штамповкачи, қуюв ишлаб чиқаришининг қолипловчиси.**

ЎҚИШ МУДДАТИ— БИР ЙИЛ ВА УЧ ЙИЛ.

Билим юртини 3 йил муддат билан битириб чиққанлар ўрта маълумот тўғрисида аттестат ва иккита яралаш ихтисослик бўйича диплом оладилар.

Ўқиш муддати механат стажига қўшилади.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал овқат ва кийимбош билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси давомида ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Билим юртини 4—5 баҳолар билан битирганлар имтиёзли шароитда олий ўқув юртларига кирадилар. 10-синф ҳажмида маълумоти билан билим юртини битирганлар билим юртини тугатганлиги тўғрисида аттестат оладилар. Ўрта мактабларни битирган ўқувчилар ойига 76 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланади. Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

15 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (паспорт), 8-синфни тугатганлиги тўғрисида гувоҳнома (10-синфни тугатганлиги тўғрисида аттестат), справкалар: турар жойидан, саломатлиги тўғрисида, фотосурат (3х4 см, ҳажмида), автобиография.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 28, 29-трамвайлар, 8, 9, 24, 44, 60, 72, 112, 115-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ

1981—82 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ СОТУВЧИ ВА СОТУВЧИ КОНТРОЛЁР-КАССИРЛАРНИ ИККИ ЙЎНАЛИШДА ТАЙЁРЛАЙДИ:

боққоллик-кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ ва сут маҳсулотлари бўйича;

газлама, тикув буюмлари, пойафзал, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик молларн.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛ.

ДАРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎЗБЕКИСТОН ССР ШАҲАРЛАРИДА ЯШАЙДИГАН 15 ДАН 20 ЁШГАЧА (**ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача**) **бўлган 8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотлилар** КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ КОНТРОЛЕР-КАССИР» деган малака берилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга 32 сўм ва 41 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги нлғор магазинларда: бош универмаг — ГУМ; «ГАСТРОНОМ» республика конторасига қарашли йирик магазинларда ва «Универсам»-ларда ўтказилади.

Назарий машғулотлар билан ишлаб чиқариш практикаси ҳар 3 кунда алмашади.

Агар билим юртини битирувчилар ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлиб, квалификацияси бўйича ҳам имтиҳонларни муваффақиятли топширсалар, бундай битирувчилар, педагогика советининг қарорига мувофиқ, билим юртини битириб, бир йўла олий ўқув юртининг кундузги бўлимига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўладилар (битирувчилардан 10 проценти).

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА УРТА МАКТАБНИНГ 9, 10 ВА 11-СИНФЛАРИ ИШЛАЙДИ. ЎҚИШ КУНДУЗГИ СОАТЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3 х 4 см, катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка, халқ депутатлари совети область ижроия комитети Савдо бошқармасидан ёки халқ депутатлари совети ижроия комитети савдо бўлимидан йўлланма.

Билим юрти адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй (4, 9, 19-трамвайларнинг «Чўпон ота» бекати; 13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами клиник касалхонаси» бекатлари). Телефон: 78-44-30.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

57-ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981— 82 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металл бўйича токарь, фрезерчи, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь-механик, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналари ремонти бўйича электромонтёр, электр пайвандчи, мебелчи-дурадгор, механик ишлов бўйича техника контроли бўлими контролёри; кабель ишлаб чиқарувчи электромонтёр, саноат холодильник қурилмаларига хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича машинист. Ўқиш муддати — 3 йил; металл бўйича токарь, механика-йиғув ишлари слесари, Ўқиш муддати —1 йил.

Билим юртига 8— 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

3 йил муддатли группаларда ўқиганларга ўрта ҳунар-техника билим юртини тамомлаб чиққанлиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш даврида 8 синф ҳажмида маълумот билан ўқувчиларга байрамларда ва ишга кийиладиган кийим-кечак бепул берилади, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. 10 синф ҳажмида маълумотлиларга ойига 30 сўм стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган иш ҳақининг бир қисми берилади.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона бериладн (саноат холодильник қурилмаларига хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича машинист касби бундан мустасно):

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚУШИЛАДИ.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар олий ва ўрта махсус билим юртларига ўқишга юбориладилар.

Билим юртида спорт секцияси ҳамда бадиий ҳаваскорлик тўгараги ишлаб турибди, ёзги дам олиш базаси мавжуд.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: ариза, маълумоти тўғрисида шаҳодатнома ва мактабдан характеристика,паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома: соғлиги тўғрисида, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан справкалар; 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 164-алоқа бўлими, Високовольт массиви, 3-сектор (метронинг «М. Горький номли станция»сидан 4-автобусга ўтириб, «7-поликлиника» бекатигача: 13, 22-трамвайлар: 18-троллейбуснинг «Маиший хизмат уйи» бекатигача борилади).

КИНО

7 ИЮЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» — Қозоғистон.

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА (1—2-сон) — Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТУМАНДА ЭШИТИЛГАН ИККИ ГУДОК» — Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли (жуфт соатларда), Тинчлик (жуфт соатларда).

«БУГДАН ВИСЛАГАЧА» — Лисунов номли (тоқ соатларда).

«ЧЕТ ЭЛ МАРКАЗИНИНГ ЭМИССАРИ» — Искра (17.20 да, телефон 39-14-59).

«ТАРСАКИ» — К. Ерматов номли (жуфт ва тоқ соатларда).

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетн ҳузуридаги илмий-техника тараққиётига кўмаклашувчи Совети, қурилиш материалларн саноати ишчиларининг Тошкент область касаба союз комитетн, «Главташкентстрой», Тошкент область қурилиш индустрияси илмий-техника жамияти правленнеси ва Тошкент техника уйи

9 ИЮЛДА

«КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ, ҚУРИЛИШ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТ БОШҚАРУВИ КОМПЛЕКСИ СИСТЕМАСИНИ ТАДБИҚ ЭТИШ ВА УЛАРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ» деган темада

ОБЛАСТЬ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИ ЎТКАЗАДИ

Конференция **«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»** (Глинка кўчаси, 3 «а»-уйнинг) кенгашлар залида соат 10.00 да бошланади.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

«ИРКУТСКХИМЛЕС» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ОКТЯБРЬ ЎРМОН САНОАТИ ХЎЖАЛИГИГА

МАВСУМИЙ ИШЛАРГА

тутун буруқситувчилар, ёғоч ва тўнгак ортувчилар, қарағай елимини йиғувчилар, ёғоч ва тўнгак қирқувчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли.

Наряд-топшириғи 180 процент бажарилганда 100 процент мукофот берилади.

МАВСУМ 1981 ЙИЛНИНГ 1 НОЯБРИГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 3-уй 6-хона.

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКОМИССИОНТОРГ»НИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАГАЗИНЛАРИДА

60 ПРОЦЕНТГАЧА АРЗОНЛАШТИРИЛГАН САНОАТ МОЛЛАРИ, ТИКУВЧИЛИК БУЮМЛАРИ, ПОЙАФЗАЛЛАР

СОТИЛМОҚДА

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

15 — Уйғур кўчаси (бозорда).
17 — Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
19 — Паркент бозори.
25, 29 — Октябрь бозори.
28 — Фрунзе бозори.
34, 34/1 — Олой бозори.
35 — Госпиталь бозори.
36 — Фарҳод ярмаркаси.
38, 38/1 — Қўйлиқ бозори.
40 — Бешоғоч бозори.
44 — Первомай бозори.

«ТАШКОМИССИОНТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ СОАТ 9.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

К. ЕРМАТОВ НОМЛИ **«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ**

гримёрлар, студиянинг съёмкага олиш группаларида ишлаш учун пастижерлар тайёрлаш бўйича

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЎТКАЗАДИ

Курсга шаҳар прописканси бўлган, 18—25 ёшли, ўрта ва мутахассислик маълумотига эга бўлган киишлар қабул қилинадилар.

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАРГА ЎҚИШ ДАВРИДА СТУДИЯНИНГ ГРИМ ЦЕХИДА ИШ БЕРИЛАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 15 ИЮЛДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уй (ҳар шанба, якшанба кунлари соат 10.00 дан 15.00 гача мурожаат қилиш мумкин).

«ТАШСАНТЕХГАЗМОНТАЖ» трестининг

ЎҚУВ ПУНКТИ

3,5 ойлик электр-газ пайвандчи ва (кенг профилли) 1,5 ойлик сантехникларни тайёрловчи

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқувчилар ойига 76 сўм стипендия оладилар.

Трест ишчилари 3,5 йил ичида турар жой билан, ёлғизлар ва бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, 1-Радиальний проезди, 12-уй (10, 23, 27-трамвайлар, 2, 7, 10-троллейбусларнинг «Ишчилар шаҳарчаси» бекати).

САБЗАВОТ УЧУН—ЯРМАРКАГА

САБЗАВОТ БИЛАН БИРГА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНГАН ҲАР ҚАНДАЙ ТАОМ ТЕЗ ҲАЗМ БЎЛАДИ.



Ҳозир айни сабзавотлар пишиб етилган палла. Карам, бодринг, сабзи, лавлаги, картошка, пиёз, помидор — ана шу сабзавот турларидан ҳақиқатда ҳам «саломатлик» салатларини тайёрлаш мумкин.

САБЗАВОТДАН ТАЙЁРЛАНГАН САЛАТЛАРНИНГ БИР НЕЧА РЕЦЕПТИНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ:

«САЛОМАТЛИК» САЛАТИ —

янги узилган бодринчни, пиширилмаган сабзи ва олмани яхшилаб ювиб сомон шаклида тўғрайсиз, унга 3—4 яприқ салат қўшилади. Уларнинг ҳаммаси аралаштирилиб, қаймоқ, лимон шарбати, туз, шакар қўшилади. Салат устига яприқланган помидор қўйиб безатилади.

2 та бодрингга — 2 дона сабзи, 2 дона олма, 2 дона помидор, 100 грамм салат кўкати, ярим стакан қаймоқ, чорак палла лимон.

ЛАВЛАГИ САЛАТИ —

қайнатилган лавлагини йирик тишли қиргичдан ўтказилиб, майдаланган саримсоқ ва ёнғоқ қўшиб тузланади, устидан майонез қуйилади. 400 грам лавлагига — бир бош саримсоқ, 50 грамм ёнғоқ, туз таъбга қараб.

Маслаҳатларимиздан фойдаланинг, бир оз ўйлаб, ихтиро қилсангиз, дастурхонингиз устида ҳамма вақт витаминли ажойиб закуска тайёр.

ҲУРМАТЛИ УЙ БЕКАЛАРИ!

СИЗ БОДРИНГ, КАРАМ, ПИЁЗ, ЛАВЛАГИ, САБЗИ, КАРТОШКАЛАРНИ САБЗАВОТ ЯРМАРКАЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

БУНДАЙ ЯРМАРКАЛАР ОКТЯБРЬ ВА АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ БЎЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН

ОКТЯБРЬ ВА ФАРҲОД БОЗОРЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

Сабзавот ярмаркалари дам олиш куннсиз, соат 8.00 дан 20.00 гача ишлайди. (Тушлик танаффус — ҳалқали график асосида соат 13 дан 15.00 гача).

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙПИШЧЕТОРГИ.
ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

САКСОНИНЧИ ЙИЛЛАР СОТУВЧИСИ

Сотувчилик касби ёшлар ўртасида кейинги пайтларда жуда ҳам оммалашиб бормоқда. Замонавий сотувчи кассир ва товаршунослик, рассом-декоратор ва консультант, ҳамда истеъмолчилар талаби шаклланишининг жараёнларини ўрганадиган экономист-социологдир.

Кўпинча костюм ёки кўйлак танлаётганингизда биз ким билан маслаҳатлашамиз? Ҳар тонг эрталаб магазиндан кимнинг кўлидан нозу неъматларни оламиз? Демак, аёлларнинг қўлидан, Сотувчилик хотин-қизлар касби. Хотин-қизлар савдода 82 процентни ташкил этади. Ана шу хотин-қизларнинг ўзида сотувчиликка керак бўладиган фазилатлар: сезгирлик, саҳоватлилик жуда ҳам мужассамлашган.

ҚАДРЛИ ҚИЗЛАР!

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

«ШУҲРАТ» — БУ САВДО КОРХОНАСИ БАҒРИДА ИШЛАЙДИГАН МЕҲНАТ МАКТАБИДИР. Сиз тажрибали сотувчиларнинг раҳбарлигида экономика, этика, эстетика, психология, товаршунослик бўйича ҳар бир савдо ходимига керак бўладиган билимларни оласиз, бўлажак ишингиз учун зарур бўлган кўникма ва тажрибани эгаллайсиз.

«Шуҳрат» мактаб-магазинининг синфхоналари замонавий савдо-технология ускуналари билан жиҳозланган. Ўқувчилар савдонинг энг тараққий этган шакли — ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методи бўйича ишга тайёрланади.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Сиз мактабни тугатганингиздан кейин саноат молларининг кичик сотувчиси, кассир ёки кассир-контролер ихтисослигини эгаллайсиз.

МАКТАБГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 16 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Тошкент шаҳрида доимий пропискада бўлиш мажбурийдир.

ЎҚИШ РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчиларга ойига 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Мактаб-магазинга ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ўрта маълумоти тўғрисида аттестат ёки 8 синфни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, мактабдан ёки кейинги иш жойидан характеристика, бор бўлса, меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, 2 та фотосурат (6х9 см.).

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Маълумотлар олиш учун ушбу адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 11-квартал, 2-уй, ўқув қисми (6, 11, 12, 13, 19-троллейбуслар, 3, 29, 32, 33, 34, 50, 41, 70, 75, 79, 54-автобусларнинг «Шуҳрат» мактаб-магазини» бекати, метронинг «Чилонзор» станцияси). Маълумотлар учун телефон 76-27-66.



«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

7 ИЮЛЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Мамлакат далаларида». Литва ССР хўжаликларида мелиорациянинг самарадорлиги тўғрисида. 18.15 «Моҳир қўллар». 18.45 «Фан оламида» 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 20.15 «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги». Союзлар уйининг Колонна залида СССР Ёзувчиларининг VII съездига багишланган шеърият кечаси. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» (М) — «Спартак» (М). В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Тошкент шаҳри 27-музика мактаби талабаларининг концерти. 19.00 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! «Бригада пудрати — амалга». Кўрсатувда «Ўзсофпроф» раиси Н. М. Маҳмудова иштирок этади (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Шеърият билан учрашув». О. Матжон. 20.30 «Ахборот». 20.50 Т. ва С. Боймуродовлар концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ғалла—ризқ-рўзимиз». 22.25 «Партком секретари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 23.30 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Тимсох Гена». 19.00 Абитуриентлар учун. Физика. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Циклон тунда бошланади». Телевизион бадиий фильм (рус.).

8 ИЮЛЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Сказ» рус халқ чолғу квартети чалади. 10.35 «Киносаёҳатчилар клуби». 11.35 «Асли болаликдан». В. Астафьев. «Пушти ёлли тулпор». 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари». Кинопрограмма: 16.20 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 16.50 «Горчичар, қаердасиз?» 17.20 «Рус тили». 17.50 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали.

18.35 Монголияда Халқ революцияси галабасининг 60 йиллигига. «Монголча «Найрамдал» — «Дўстлик» демакдир». Мамлакатда содир бўлган социал-иқтисодий ўзгаришлар, совет-монгол дўстлигининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши ҳақида. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «РСФСРда хизмат кўрсатган артист Г. Карева куйлайди». 19.55 «Инсон ва қонун». 20.25 «Ҳаёт чизиги». Кўп сериали телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Пахтакор» (Тошкент). Киевдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари». 24.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (М). «Динамо» стадионидан олиб кўрсатилади. 2-тайм.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Ректор». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.15 «Емелянинг бахти». «Чўртанбалиқ амри билан» рус халқ эртаги мотивлари асосида. Болалар Марказий театрининг спектакли. 11.45 «Рус тарихий қўшиқлари». 12.15 Болалар учун. «Кеша ва унинг дўстлари ҳақида ҳикоялар». Кўп сериали телевизион бадиий фильм. 3-серия. 13.35 Н. Некрасов лирикаси. 14.05 «Москва ва москваликлар». 14.35 РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Э. Серов раҳбарлигидаги қадимий ва замонавий куйлар. Ленинград камер оркестрининг концерти. 15.25 «Ёш келин-куёвлар клуби». 19.30 «Иттифоқ шаҳарлари, дунё шаҳарлари бўйлаб». В. Маяковский асарларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист Я. Смоленский ижро этади. 20.30 Марказий телевидение ҳамда Бутуниттифоқ радиосининг Катта симфоник оркестри ижросида Қора-Қораевнинг асарлари. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». Мультфильм. 21.30 «Время». 22.05 «Шигров уезддаги Гамлет», Телевизион бадиий фильм.

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Комарикн». Болалар учун фильм-концерт. 11.45 «Набирам бўласан». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 12.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз». (Такрорий).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Генерал Топтигин». Кўғирчоқ фильм. 18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.05 «Бутун партиянинг иши». ТИИМСХ коллективида ғоявий-сиёсий ва меҳнат тарбиясига комплекс ёндошиш тажрибаси тўғрисида. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Л. Зорин. «Баҳс». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли (такрорий). 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Қориёқубов номли ўзбек Давлат филармонияси «Лазги» ансамбли солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Партком секретари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 23.10 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Менга мактўб ёз». 18.55 Абитуриентлар учун. «Она тили». 19.30 «Келажак билан учрашув». Телефильм (рус.). 20.20 «Калинин райони чорвадорлари ҳузурида». 20.50 Реклама. 21.10 «Борис Бабочкин». Фильм-портрет (рус.).

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчерн — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

7 ИЮЛЬ, 1981 й. Р—07241. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. В. — 2156. 5